O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 1 декабрь, № 234-235 (4133-4134) Жума

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 30 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси очилди

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, фаолияти Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига киритилган масалаларга дахлдор давлат органларининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги масалани кўриб чиқишдан бошладилар ва унинг юзасидан тегишли қарор қабул қилдилар. Сўзга чиққанлар бу амнистиянинг қабул қилиниши инсонпарварлик намунаси эканлигини ва у суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилаётганлигидан яна бир бор далолат беришини кўрсатиб ўтдилар.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджети кўриб чиқилди. Уни муҳокама қилиш чоғида иқтисодий ислоҳотлар, бюджет-солиқ сиёсатининг устувор йўналишларини ҳисобга олиб тайёрланган Давлат бюджети ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларнинг янада ривожланишини таъминлаши таъкидлаб ўтилди. Унда хусусий сектор ва кичик бизнесни ривожлантиришга, ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини таъминлашга, маҳсулотни экспорт қилишни рағбатлантиришга, инвестициялар, хомашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, шунингдек аҳоли моддий фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор берилган. Давлат бюджети янги иш жойлари яратишни, аҳолини мақсадли қўллаб-қувватлашни, юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган бир қатор солиқлар бўйича ставкаларни пасайтиришни, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга йўналтириладиган давлат харажатларининг улушини кўпайтиришни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджети сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Уй-жой кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда "Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида"ги қонунни ҳам кўриб чиқиб, маъқулладилар. Бунда Фуқаролик кодексига киритилаётган тузатишлар кўп квартирали уйдаги умумий молмулкнинг таркибини аниқлаштириши қайд этилди. Уй-жой кодексига киритилган ўзгартишлар эса уй-жой фондини бошқариш, сақлаш ва таъмирлаш, бу соҳадаги ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ қоидаларни қайтадан кўриб чиқади, шунингдек бу мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланишнинг хусусиятларини белгилайди.

Янги таҳрирдаги "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилиш чоғида бу Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги "Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, ислоҳ этиш ва модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида"ги қарорини ижро этиш юзасидан қабул қилинганлиги ҳамда оммавий ахборот воситаларини яратиш ва уларнинг фаолияти соҳасида вужудга келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштиришга, шунингдек мамлакатда жамият ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон аҳолисининг ахборотга бўлган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди. Унда муассисларнинг таҳририятга таъсири камайишини таъминлайдиган, шунингдек оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш, рўйхатдан ўтказиш, тарқатиш тартиб-таомилини такомиллаштирадиган ҳуқуқий нормалар баён этилган.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 мартда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ божхона органларининг айрим ходимларига унвонлар бериш тартибини белгилайдиган "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонунни ҳам қабул қилдилар.

"Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонуннинг муҳокамасида сўзга чиққанлар ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан мамлакатга кириш ва ундан чиқиб кетиш тартиби, шунингдек мамлакатимиз ҳудудида бўлиш қоидалари сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилганлигини кўрсатиб ўтдилар. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун кўриб чиқилди. Киритилаётган тузатишлар мавжуд амалиётни гаров тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлаштиришга қаратилганлиги қайд этилди. Ушбу Қонунга мувофиқ кўчмас мулк гарови тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш чоғида давлат божи эмас, балки тегишли ҳақ ундирилади. Шу муносабат билан давлат божини тўлашдан озод қилишга доир нормалар "Давлат божи тўғрисида"ги қонундан чиқариб ташланди. Сенаторлар Қонунни маъқулладилар.

Шунингдек, "Молия-иқтисодиёт, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам маъқулланди. Уни муҳокама қилиш чоғида Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги "Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилганлиги таъкидланди. Қонун амалдаги ўнта қонунга тегишли тузатишлар киритади ва бу тузатишлар молия-иқтисодиёт, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтиришнинг ҳуқуқий базасини кенгайтиради.

"Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиш чоғида ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг интеллектуал мулкка таллуқли қоидаларини "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонун нормаларига мувофиқлаштириш мақсадида қабул қилинганлиги кўрсатиб ўтилди. Қонун маъқулланди.

Ялпи мажлисда ташкилий масала ҳам кўриб чиқилди: Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси этиб илгари шу Қўмита раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган сенатор Маъруф Усмонов сайланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати саккизинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ***ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Ўта оғир бўлмаган жиноятлари учун биринчи марта судланган шахслар жазодан озод қилинсин:

а) аёллар;

б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;

в) 60 ёшга тўлган эркаклар;

г) чет эл фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, шунингдек биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар, жазодан озод қилинсин.

3. Мазкур Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган ёки биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукми мазкур Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

5. Тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта 10 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган барча тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар тугатилсин.

7. Мазкур Қарорга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга – учдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга – тўртдан бир қисмига.

8. Татбиқ этилмасин:

а) мазкур Қарор – ўта хавфли рецидивистларга; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; шунингдек муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод бўлгач, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга;

б) мазкур Қарорнинг 1–4, 6, 7-бандлари – тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир қилганлиги учун судланганларга.

9. Сенатнинг ушбу Қарори амалга оширилиши юзасидан масъулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

10. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 30 ноябрь.

Куни кеча қарийб 45 млн. сўмлик миқдордаги инсонпарварлик юклари ортилган поезд Қорақалпоғистон Республикасига жўнаб кетди.

Оролбўйига «Саломатлик» поезди

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури доирасида юборилган ушбу "Саломатлик" поезди "Экосан"нинг "Экология ва саломатлик" кунлари доирасидаги Оролбўйи болаларига яна бир туҳфасидир. Юклар орасида ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди тақдим этган катталар ва болалар учун қишки кийимкечаклар, спорт кийимлари, пойабзаллар ва халқ истеъмоли моллари ҳам бор. "Саломатлик" поезди вакиллари бир неча кун давомида Қорақалпоғистоннинг турли туманларида бўлиб, экологик вазиятни ўрганадилар ва инсонпарварлик ёрдамларини топширадилар.

Эътироф этиш керакки, жорий йил давомида "Экосан" халқаро ташкилоти "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг турли вилоятларига 19 марта саломатлик поездларини юборган бўлса, улардан 3 тасини Қорақалпоғистон Республикасига юборилган поездлар ташкил этади.

Мавжуда ХОЛМАТОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН КЎПГИНА МАМЛАКАТЛАР УЧУН НАМУНА БЎЛА ОЛАДИ

«Динга муносабат, эътиқод эркинлиги ва диний бағрикенглик масаласида Ўзбекистон ўзини демократик деб ҳисоблайдиган кўпгина мамлакатлар учун намуна бўла олади»

АҚШ Давлат департаменти томонидан эълон қилинган «диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар» деб аталмиш рўйхатга Ўзбекистоннинг киритилишини **«Француз экспортерлари клуби» бош котиби Жак Оран** ана шундай сўзлар билан шарҳлади.

— Мен халқингизни, унинг урф-одатлари ҳамда бошқа миллат ва эътиқод кишиларига муносабатини яхши биламан, — деди у. — Давлат департаментининг қарори ҳеч қандай асосларга эга бўлмаган, қуруқ кўпикдан иборат сиёсий уйдирмадир.

Ўзимнинг сўнгги ташрифим чоғи Самарқанддаги католикларнинг черковига борганимда, ибодатхонага келувчилар ўзларининг маросимларини эмин-эркин ўтказишаётганини кўрдим. Бу эса Ўзбекистонда диний эътиқод масаласида бирон-бир муаммонинг мутлақо йўқ эканлигини тасдиқлайдиган исботдир.

Ўзбекистон Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Бурҳониддин ал-Марғиноний, ал-Мотуридий сингари буюк ислом алломалари ва мутафаккирларининг Ватани ҳисобланишини таъкидлар экан, **Ар-Риёддаги Имом Муҳаммад ибн Сауд номидаги Ислом университетининг илмий тадқиқотлар департаменти бошлиғи Турки ибн ас-Сахув** Ғарбдаги айрим давлатларнинг демократия, инсон ҳуқуқлари ҳимояси, сўз ва эътиқод эркинлиги шиори остида амалга ошираётган хатти-ҳаракатлари нафақат суверен давлатларнинг ички ишларига аралашиш, балки бу цивилизациялар ва динлар ўртасидаги ишончсизлик ва ғанимлик кайфиятини кучайтиришга хизмат қиладиган хатти-ҳаракатдир.

— Яқинда Ўзбекистонда бўлганимда, мамлакатда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда рўй бераётган кенг кўламли изчил ўзгаришларга гувоҳ бўлдим. Ўзбекистон халқи ўзларининг барча зарур диний урф-одат ва маросимларига риоя этишлари учун ҳамма ҳуқуқ ва имкониятларга эгадир, — деди саудиялик олим.

ГФР Бундестаги депутати Карл-Георг Вильманн яқинда ташқи ишлар вазири Ф.В.Штайнмайер бошчилигидаги немис делегацияси таркибида Ўзбекистонда бўлганини қайд этди.

— Биз Бухорода турли диний жамоалар вакилларининг юқори лавозимли вакиллари билан мулоқотда бўлиб, унинг натижаларидан катта қониқиш ҳосил қилдик, — деди немис сиёсатчиси. — Ўзбекистонда турли дин вакиллари ўртасида толерантлик ҳукмрон эканлигига шоҳид бўлдик. Диний эркинликлар чекланаётганини тасдиқловчи бирорта ҳам асос йўқ.

«Ўзбекистон ҳукумати билан кўп йиллар мобайнида кенг ҳамкорлик ва ўзаро ҳурмат муҳитида ишлаш биз учун улкан мамнуният бахш этади, — дейди **АҚШдаги Бухоро яҳудийлари бош руҳонийси Исхак Ийоша Исхак.** — Ўзбекистон расмий доиралари ва яҳудий жамоаси ўртасида ажойиб алоқалар мавжудлигидан ўзимни мағрур ҳис этаман. Марказимиз Ўзбекистоннинг диний арбоблари иштирокида кўплаб халқаро конференциялар ўтказиладиган жой сифатида танланишига муяссар бўлган эди. Биз уларнинг диний маросимларни ўтказишда қийинчиликларга дуч келаётганликлари тўғрисидаги шикоятларини сира ҳам эшитмаганмиз.

Мен дунё мамлакатларини бошқа миллат вакилларига нисбатан бағрикенглик, ҳурмат ва масъулият билан муносабатда бўлиш борасида Ўзбекистон ҳукуматидан ўрнак олишга чақираман».

«Давлат департаменти томонидан эълон қилинган мазкур рўйхатга Ўзбекистоннинг киритилгани тўғрисидаги хабар мени бениҳоя ранжитиши баробарида ҳайратга ҳам солди, — деб ёзади **Греция сайёҳлик фирмасининг директори Ф.Пименди** ўз мактубида. — Ўзбекистонда туғилган ва узоқ йиллар яшаган киши сифатида менга ўзбекларнинг бағрикенглик руҳи, диний сабр-тоқатлилиги ва байналмиллаллиги яхши таниш. Мен Ўзбекистонда яшадим, ўқидим, узоқ йиллар мобайнида мусулмонлар билан, насронийлик, яҳудийлик, буддавийлик ва бошқа динларга эътиқод қилувчи одамлар билан ҳеч қандай муаммоларсиз, ёнма-ён, елкама-елка ишладим.

Бор-йўғи бир неча кун бурун Ўзбекистондан қайтиб келдим. Мен у ерда кўплаб янги масжидлар қурилганини, черковлар ва бошқа ибодатхоналар фаолият кўрсатаётганини кўрдим. У жойларда одамлар эмин-эркин, ҳеч қандай чеклашларсиз, хотиржамлик билан ўзларининг диний маросимларини ўтказишаётганига гувоҳ бўлдим. Ўзим ва менинг касбдошларим кўп миллатли Ўзбекистонда тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик ҳукм сураётганини ўз кўзлари билан кўришди. Шубҳа йўқки, кўп жиҳатдан республика раҳбариятининг диний экстремизм ва динлараро низоларга қатъиян қарши турадиган, оқилона ва ҳар томонлама вазмин сиёсати туфайли бундай натижага эришилди. АҚШ Давлат департаментининг Ўзбекистондаги ишлар ҳолатига берган баҳоси, юмшоқ қилиб айтганда, нотўғри ва холисликдан йироқдир».

Дин ва сиёсат институти (Россия) илмий ходими Зураб Тодуанинг фикр билдиришича, АҚШ юқорида келтирилган рўйхатга Ўзбекистонни киритиб, Тошкентнинг ташқи ва ички сиёсатида ўзгариш бўлишига эришиш мақсадида республика раҳбариятига босим ўтказишни хоҳлайди.

— АҚШ ташқи сиёсат маҳкамасининг бу қадамида «Ҳизб-ут-Таҳрир», «Акромия» сингари экстремистик ташкилотларга нисбатан Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларнинг муносабатини ўзгартириш истаги мавжуд эканини яққол кўриш мумкинки, бундай ташкилотларни АҚШ ва Буюк Британияда тинчликпарвар ва безарар муассасалар, деб ҳисоблашади. Ҳолбуки, бу ташкилотларнинг террористик хуружлар, қўзғолон ва тўнтаришлар ўтказишда, жумладан, 2005 йилги Андижон воқеаларидаги ўрни ва иштироки Марказий Осиё масалалари билан шуғулланадиган мутахассисларга жуда яхши маълум, — деди россиялик олим.

«Ўзбекистон дунёвий давлат бўлгани ҳолда дин соҳасида пухта ва оқилона сиёсатни юритмоқда, — деди **Австриядаги Шарқ жамияти бош директори З. Хаас.** — Динлараро ва конфессиялараро муносабатлар кескинлашуви муҳитида АҚШ Давлат департаменти томонидан Ўзбекистоннинг «диний эркинликларни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар» рўйхатига киритилгани динлар ўртасидаги мулоқотга йўл очмайди».

Шиллер номидаги институтнинг етакчи мутахассиси Франк Хааннинг фикр билдиришича, АҚШ ўзининг мазкур рўйхатига Ўзбекистонни киритиши асосида Марказий Осиёдаги бу етакчи давлатни орбўсизлантиришни истаган.

Бунинг учун улар ўзларида мавжуд бўлган босим ўтказиш воситаларининг барча имкониятларидан фойдаланишади. Кўзланган асосий мақсад эса ўз тараққиёт йўлидан ишонч билан бораётган давлат — Ўзбекистон тўғрисида халқаро ҳамжамиятда салбий фикр уйғотишдир.

«Жаҳон» АА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 29 ноябрь куни навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Комиссия Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунининг 11,12-моддалари ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига асосан халқ депутатлари Бухоро, Тошкент ва Фарғона вилояти Кенгашлари тавсияларига кўра, 25-Ибн Сино, 75-Зангиота, 86-Қўқон сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузди ва уларнинг таркибини тасдиқлади.

Шунингдек, округ сайлов комиссияларига депутатлар сайловини ўтказиш бўйича Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар режаси ижросини таъминлаш, 4 декабргача сайлов участкаларини, 9 декабргача участка сайлов комиссияларини тузиш, уларнинг таркибини тасдиқлаш масалаларини кўриб чиқиш вазифалари юкланди. Бундан ташқари, жойлардаги давлат органлари, муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда округ ва участка сайлов комиссияларига яқиндан амалий ёрдам кўрсатишлари лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Сайлов жараёнларини ёритишда ошкоралиги таъминлаш зарурлигига эътибор қаратилди. Шу мақсадда Марказий сайлов комиссиясининг **www .elections.uz** веб-сайтидан ташқари сайловчиларнинг мурожаатларига жавоб бериш учун телефон алоқасининг алоҳида рақамлари ажратилди: 139-82-14 (телефон-факс), 138-29-75, 139-43-91. Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот маркази, Бухоро, Тошкент ва Фарғона вилояти сайлов комиссиялари ҳузурида ҳам матбуот гуруҳлари тузилди.

Комиссия ўз ваколатига доир бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

(ЎзА).

Ифтихор

Бир танишим иш юзасидан хориж сафарида бўлиб қайтди. Бу унинг ташқи дунёга илк бор чиқиши экан. У ўз сафари давомида дуч келган бир воқеани сўзлаб берди. Унинг гаплари менга қаттиқ таъсир қилди:

ПУЛДАН ҲАМ АФЗАЛ БОЙЛИК

«Чет элга чиққан одамлар билан гаплашганимда, улар ўзлари борган мамлакатларини оғзидан бол томиб мақташарди. Менга ҳам мамлакатимиздаги хорижий ташкилотлардан бири Европанинг ривожланган давлатларидан бирига уч ҳафтага бориб келишга таклиф қилишганида, тўғриси, севинганимдан ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Бунинг устига, барча сарф-харажатлар уларнинг ҳисобидан. Фақат айтилган маблағни самолётдан тушганимдан кейин берадиган бўлишди. Бу анчагина катта пул эди. Ким билсин, улар пулни ҳозирдан берсак, бормай қолиши ҳам мумкин, деб ўйлашган бўлса, ажабмас.

Ўша давлатга Москва орқали учадиган бўлдим. Қўлимда билет. Аэропортда кутиб оладиган бўлишди. Шуни ўйлабми, ўзим билан «қўки»дан оливолмабман. Йўлда қандай воқеаларга дуч келишимни олдиндан қайдан билибман...

Биз учган самолёт Москвадаги «Шереметьево» халқаро аэропортига эрталаб келиб қўнди. Чамаси, бир соатлардан кейин бошқа самолётга ўтиришим керак эди. Текширув постларидан бирида мени тўхтатишди. Паспортимга урилган виза бир кундан кейин бошланар экан. Билет эса бир кун олдинга олинган. Кимнинг айби билан шундай бўлганини ҳалигача билмайман. Назоратчи аёл эртага учишимни, билетим эса ҳеч бир муаммосиз алмаштириб берилишини айтди. Тасодифни қарангки, бу ерда Испанияга учадиган самолётга чиқишга тараддудланаётган ҳамкасбимни учратиб қолдим. У ёнимда пул йўқлигини билгач, шошиб 50 АҚШ доллари узатди-да, ўзи чегарадан ўтиб кетди.

Мен эса бамайлихотир Москвада бир кун қолсам-қолибман-да, деб нима қилишим кераклиги ҳақида режа тузиб олиш учун ўриндиққа чўкдим. Ёнимда ахир «қўки»дан нақ эллик бор эди-да! Билетни алмаштиргани борганимда, унинг умумий қийматининг 15 фоизини тўлашим лозимлигини айтишди. Бу эса 56 доллар дегани эди.

Тез орада мен учун на орқага, на олдинга қайтиб кетиш имконияти йўқлиги маълум бўлди. Тақдирим арзимаган 6 долларга боғлиқ бўлиб қолди. Ўша пайтда қандай вахима босганини ҳозир ифодалаб беролмайман. Бутун вужудим билан бундай вазиятдан қандай чиқиш йўлларини изларидим. Бунинг устига, рус тилини яхши тушунсам-да, гапиришга келганда дудуқланаман.

Бундай сафарга отланганимдан тинимсиз ўзимни койирдим. Бегона юртда ўша топда менга ким ҳам ёрдам берарди, деган ҳадикли савол хавотиримни ўн чандон кучайтирарди.

Бирорта ўзбекни учратиб қоларман деб, кутиш залини айланишга тушдим. Икки соатлар атрофида юртдошларимга ўхшаб кетадиган ҳар бир чеҳрани диққат билан кузатдим. Қардош миллатга мансуб икки тижоратчи (кўринишидан шунга ўхшади) қаҳва ичганича нималарнидир баҳслашишарди. Уларга яқинлашиб, шу ерда турган газеталардан бирини худди ўқиётган бўлдим-да, зимдан уларнинг гапларини тинглашга тушдим. Гапни нимадан бошлашни билмай каловланардим. Қаттиқ қаяжонланганимдан қанча вақт уларни кузатганимни эслай олмайман. Кутилмаганда, худди менга ўхшаш ҳолатга тушган бир юртдоши келиб қолиб, улардан ёрдам сўраб қолса, бўладими? Ҳалиги бизнесмендан бири унга ўдағайлаб берди. Улар иккиси ҳам ҳалиги кишини тиланчи деб ўйлади, шекилли.

Алам билан ташқарига чиқдим. Дуч келган бир таксига ўтирдим-да, Ўзбекистон элчихонасига олиб боришини илтимос қилдим. Шофёр эса аэропорт Москвадан анча узоқдалигини, бунинг устига, элчихона қаерда жойлашганини билмаслигини ҳамда билган тақдирда ҳам якшанба куни у ишламаслигини билдирди. Шумшайиб таксидан тушдим.

Шундан кейин шаҳарга борадиган битта автобусга ўтирдим. Хаёлимда фақат бир нарса чарх урарди — олти доллар.

Автобусда ёнимда ўтирган ўрта ёшлардаги аёлга бир амаллаб аҳволимни тушунтирдим. Ҳайрон қолгандек жиҳати, рус тилида керакли сўзлар ҳеч бир қийинчиликсиз ёдимга келаверди. Ақлим ўша пайтдагидек яхши ишлаганини ҳозиргача эслай олмайман.

Ҳалиги аёл ҳам очиққўнгил экан, менга шаҳар кўчаларида ўзбекларни кўп учратиш мумкинлигини ва улар балки ёрдам бериб қолишини айтди.

Шаҳарга кираверишдаги бозорга ҳалиги аёл билан бирга тушдим. У сўраб-суриштириб, бозордаги дўконлардан бирининг олдига бошлаб борди. Ўзбек дўпписини кийган бир отахон қарши олди. Аёл отахонга «Ҳамюртинг қийналиб қолибди», деган ҳам эдики, ҳалиги одам менинг кимлигимни ҳам сўраб-суриштирмай табассум билан қанча пул етмай қолганини сўради. Олти долларни эшитгандан сўнг 2 минг рубль санаб берди. Қизиғи, у мендан шубҳаланмади. Эртага учишимни билгач, билетни олиб яна қайтиб келишимни ва у мени ўша куни меҳмон қилажагини айтди.

Хурсандлигимдан кўзларимдан ёш сизди. Ўзбеклар ҳамиша бир-бирига елкадош эканлигини, оғир кунларда ўз миллатдошини ёлғиз ташлаб қўймаслигини чексиз мамнуният билан англадим. Ўзбек бировнинг бошига мусибат тушганда, ҳеч бир сабабсиз, ҳеч бир манфаат қидирмай қўлидан келган ёрдамини аямайди. Ҳаётнинг ўзи бу туйғуни унутмайдиган қилиб кўнглимга жо қилди.

Интернетдаги чет эл сайтларида кўпинча «ўзбеклар бундай халқ», «ўзбеклар ундай халқ» каби танқидий фикрларга кўп дуч келганман. Энди улар нима дейишса, деяверишсин. Биз қандай миллат эканлигимизни, муҳими, ўзим учун англаб етдим...

Ўша давлатдан қайтаётганимда ҳамюртимнинг олдига кириб ўтдим. Олган қарзимни қайтарганимда у кулимсираб, «Пулингни олиб қўй. Менинг ўрнимда бошқа одам бўлганида ҳам шундай қилган бўларди. Сен ҳам бировга ёрдам берсанг, ўшанда қарзингдан қутулган бўласан», деб қарзини олмади.

Орадан уч йилча ўтди. Лекин ҳали ҳам менга ёрдам қўлини чўзган отахонга, қолаверса, миллатдошларим олдидаги катта қарздорлигимни ҳар доим эслаб тураман» дея суҳбатдошим ўз сўзига якун ясади.

Айтишади-ку, мусофир бўлмагунча, мусулмон бўлмайсан деб. Суҳбатдошимнинг бошига тушган ҳолатни улкан фожиа сифатида ифода этмаган ҳолда таъкид билан айтиш мумкинки, биз ҳеч кимдан кам бўлмаган ўзбек эканлигимизни унутмаслигимиз ва бундан доим ғурурланишимиз керак. Ғарб дунёсида ҳамма нарса пул билан ўлчанади. Ҳамма нарсадан манфаат қидирилади. Бизда эса ҳамма нарса сотилавермайди. Пулдан-да қимматроқ меҳр-оқибат, ор-номус бор, ўзбекчилик бор. Муҳими, биз ана шу бойлигимизни йўқотмаслигимиз керак.

Юнус БЎРОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Анжуман

Кеча пойтахтимиздаги "DEDEMAN silk road" меҳмонхонасида «Ўзбекистон аҳолиси: 15 йиллик мустақил ривожланиш» мавзусида икки кунлик илмий-амалий анжуман иш бошлади. Мазкур тадбир Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар маркази томонидан UNFRA ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда мамлакатимизда ва дунёдаги демографик муаммолар атрофлича муҳокама қилинмоқда.

Аҳолишунослик:

МУАММО ВА ЮТУҚЛАР

Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда Марказий Осиё аҳолисининг 42 фоизи истиқомат қилади. Бу жиҳатдан мамлакатимиз аҳолиси Қозоғистондан 1,4, Тожикистондан 3,9, Қирғизистондан 5,1, Туркманистондан эса 5,2 баравар кўпдир. Бундай кўпайишни иқтисодий ўсиш билан мувофиқ тарзда барқарор сақлаб туриш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг ўтган ўн беш йил давомида аҳоли турмуш тарзини яхшилаш бўйича қатор ислоҳотлар олиб борилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизими халқаро талаблар асосида босқичма-босқич ислоҳ қилинмоқда. Қисқа муддатда бунинг ижобий натижаси ҳаётимизда намоён бўлаётир. Хусусан, бугунги кунда мамлакатимизда эркакларнинг ўртача умр кўриши 69,9 ёшни ташкил этмоқда. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган мажмуавий тадбирлар натижасида аёллар ва болалар ўлими кескин қисқарди. Айни пайтда аёлларнинг ўртача умр кўриши 72 ёшга етди. Болаларнинг ўлими 1990 йилда ҳар минг нафарга 34,6 тани ташкил қилган бўлса, 2005 йилда бу рақам 14,9 тага тушди. Мазкур кўрсаткич жиҳатидан Ўзбекистон дунёда етакчи ўринларни эгаллаб турибди.

Ҳозирда кўплаб ривожланган Ғарб давлатларида аҳолининг кескин камайиб кетиши кузатилмоқда. Бу эса ўша давлатлар ҳукуматларини қаттиқ хавотирга солмоқда. Жумладан, Россияда йилига ўртача 700 минг аҳоли камайиб бормоқда. Бу муаммо Германия ва Франсия-ни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Мазкур давлатларда туғилишни ҳар жиҳатдан рағбатлантириш давлат даражасида эътиборга олинган. Биргина Россияда ҳар бир туғилган чақалоқ учун онага давлат бюджетидан 250 минг рубль ажратилади.

Анжуманда шу каби аниқ ва илмий жиҳатдан асосланган маърузалар йиғилганлар эътиборига ҳавола этилмоқда. Конференцияга айни пайтда соҳа бўйича илмий изланишлар олиб бораётган олимларимиз билан бир қаторда жаҳоннинг кўзга кўринган етакчи мутахассислари, иқтисодчилар ва журналистлар ҳам таклиф этилди.

Ўз мухбиримиз.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили



Ҳар бир йил зиммасига халқимиз ҳаётини яхшилашнинг устувор вазифаларини юклаш, шу аснода самарали натижаларга эришиш юртимизда ажойиб анъанага айланиб қолди.

Жиззах вилояти шаҳар ва қишлоқларида ҳам Ҳомийлар ва шифокорлар йилида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Навқирон вилоят бағрида 2006 йилнинг ўтган даври ичида янги иншоотлар қад ростлади. Эзгу юмушлар амалга оширилди. Зеро, ибратли ишларни таъкидлаш, эл-юрт оғирини енгил қилиш йўлидаги фидойи инсонлар шижоати ҳақида сўз юритиш, Ҳадиси шарифларда айтилганидек, савобли машғулотдир.

Жиззах:

САХОВАТНИНГ САВОБЛИ МЕВАЛАРИ

Вилоятнинг Бахмал туманида 50 ўринга мўлжалланган янги акушерлик комплекси барча қулайликлари ва имкониятлари билан замонавий тиббий масканлар сафидан жой олди. У саховатпеша инсонлар ҳиммати туфайли бунёд этилди.

— Янги ишга тушган комплексда ҳомиладор оналарга ёрдам қилиш учун операция блоки, интенсив терапия ва жонлантириш бўлимлари мавжуд, — дейди шифокор Жамила Эргашева. — Бундай комплексларни илгари ойнаи жаҳонда, киноларда кўрардик. Мана энди бизнинг азалий орзуимиз рўёбга чиқди. Шундай қурилишга бош бўлган ҳомийларни онажонлар дуо қилишмоқда.

Ушбу шифо масканини барпо этиш ҳамда юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар билан таъминлаш учун 300 миллион сўмлик сармоя сарфланди. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 120 миллион сўмлик замонавий тиббий асбоб-ускуналари ўзига хос савдо бўлди.

Вилоят марказида фойдаланишга топширилган шаҳар болалар шифохонаси аҳоли саломатлигини соғлом авлодни баркамол вояга етказиш йўлидаги эзгу ҳаракатлар самарасидир. Мазкур шифохонада ҳамма нарса жаҳон андозаларига монанд бунёд этилган. Эътиборли томони шундаки, бу ерда даволанаётган болаларни соғломлаштириш учун турли ўйинчоқлар билан безатилган хоналар мавжуд. Шифохонанинг зарур ускуналар билан таъминланганлиги болаларда учрайдиган турли хасталикларни эрта аниқлаш, тезда даволаш имкониятларини яратади.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурига биноан, Арнасой ва Зафаробод туманларида болалар ва юқумли касалликлар бўлимлари қуриб ишга туширилди. Бу ердаги шарт-шароит шаҳардагидан қолишмайди. Пахтакор туманида янгидан барпо этилган вилоят сил касалликлари шифохонаси ҳам зарур даволаш муассасаларидан ҳисобланади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими Асқар Абдумажидов мазкур маскан ҳақида шундай дейди:

— Ушбу шифохонада ҳар бир хона бир ё икки ўринли. Дори-дармон билан таъминловчи лаборатория беморлар хизматида. Касалликка аниқ ташхис қўйиш ва сифатли муолажани амалга ошириш учун зарур бўлган электр микроскоп, кардимонитор, рентген, физиотерапия ускуналари энг сўнгги ютуқлар асосида жиҳозланган.

Ғаллаорол туманининг хушманзара жойларидан бирида жойлашган сил касалликлари сиҳатгоҳида беморлар физиотерапия ва халқ табобати усуллари уйғунлаштирилган ҳолда даволанади. Сангзор дарёси соҳилида жойлашган оромгоҳ ҳам ажойиб соғломлаштириш масканига айланмоқда.

Аҳоли саломатлигини сақлаш, муҳофазага муҳтож қатламларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида ҳомийлар саъй-ҳаракати билан қурилган бундай масканлар вилоятда жуда кўп. Таъбир жоиз бўлса, салкам бир йил ичида қад ростлаган иншоотлар кўлами аввалги бир неча ўн йилда амалга оширилган ишлар билан қиёслагудек.

2006 йил мобайнида вилоятдан мамлакат сиҳатгоҳларига 540 нафар, шунингдек, Тошкент маъданли сув сиҳатгоҳига 97 нафар, Семашко номидаги физиотерапия ва курорталогия илмий-тадқиқот институтига 51 нафар бемор соғломлаштириш учун юборилди. Белгиланган дастур бўйича даволаш профилактика муассасаларида тиббий ходимлар меҳнатини рағбатлантириш жамғармаси тузилиб, ўтган давр мобайнида 623 миллион сўм маблағ йиғилди, унинг 83 миллион сўми тиббий ходимларни рағбатлантиришга ва 432 миллион сўми даволаш муассасаларининг моддий техник негизини мустаҳкамлашга сарфланди. Вилоятдаги мавжуд тиббий муассасалардан 56 тасида тиббиёт ходимларининг ором олиш хоналари ташкил этилди. Шифокорлардан 231 нафар, ўрта тиббиёт ходимларидан 1673 нафари ўз мутахассисликлари бўйича касб малакаларини оширдилар. «Ҳамшира — 2006», «Энг яхши муассаса», «Энг яхши врач» каби танловларда иштирок этган ходимлар мамлакат миқёсидаги беллашувларда вилоят шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Вилоятдаги мавжуд 156 та қишлоқ врачлик пунктидан 83 тасига Жаҳон банки кредити ҳисобидан 69,8 миллион сўмлик тиббий жиҳозлар келтириб фойдаланилмоқда.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили поёнига етаяпти. Лекин эзгу ниятлар билан бошланган ишлар келгуси йилда ҳам давом этади. Чунки ўз ҳаёт мазмунини халқ фаровонлигини яхшилашдек эзгу ишларга бағишлаган саховатли инсонлар савобли ҳаракатдан фақат завқ олишади.

Н.ҲАМРОЕВ.

1 декабрь – Халқаро ОИТСга қарши кураш куни

БЕДАВО АЖАЛНИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК!

Манбаларда келтирилишича, бугунги кунда дунё бўйича ОИТС вируси билан хасталанганлар сони қирқ миллионга етган. Уларнинг қирқ тўрт фоизи хотин-қизлардир. Энг ачинарлиси, бу касалликка чалинаётганлар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Ушбу бедаво касаллик дунё аҳолисини ташвишга солаётган муаммолардандир. Ҳар йилнинг 1 декабри бежизга жаҳон ОИТСга қарши кураш куни деб эълон қилинмаган. Сана муносабати билан бутун дунёда турли тадбирлар уюштирилади.

Яқинда интернетда қизиқ бир маълумот тарқатилди. Жорий йил дунё олимлари томонидан олиб борилган изланишлар натижасида ОИТС вируси келиб чиққан жой аниқланибди. Манбаларда келтирилишича, бу касаллик ўчоқлари Камеруннинг жанубий қисмидаги ҳудудда экан. Бу олимларнинг бедаво касалликнинг олдини олиш бўйича олиб бораётган тадқиқотларида асқотиши табиий.

Касалликнинг олдини олиш учун мамлакатимизда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, республикамизда жорий йилнинг 1 ноябридан 1 декабригача «ОИВ/ОИТСга қарши кураш куни» муносабати билан ойлик эълон қилинганди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан бир ой давомида турли ташкилотлар ҳамда маҳаллаларда кўплаб тадбирлар, тарғиботташвиқот ишлари ўтказилди. Тадбирга анъанавийлик руҳини бағишлаш ҳамда унинг аҳамиятини ошириш мақсадида ёшлар ўртасида плакатлар чизиш, альбомларни безаш бўйича, ОИТС ва гиёҳвандликка қарши кураш мавзуидаги иншолар танлови эълон қилинди.

— «ОИТСни тўхтатинг, ваъдани бажаринг» шиори остида танлов эълон қилгандик, — дейди республика Хотин-қизлар қўмитаси оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими бош мутахассиси Манзура Тўйчиева. — Бир ой давомида вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан кўплаб ёшлар ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Малакали ҳайъат аъзолари томонидан ғолиблар сараланди. Унга кўра, «Кучли ғоя» номинацияси бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, «Изланувчан ижодкор» номинацияси бўйича Навоий вилояти, «Энг яхши тарғиботчи» номинацияси бўйича эса Тошкент вилояти вакиллари ғолибликни қўлга киритишди.

Юлдуз РИЗАЕВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХАТЛАР сўзлайди

Қадрият

Ҳунарли хор бўлмас

Ҳар бир эл ўзлигини англатувчи анъаналари, удумлари, ўзига хос маданияти билан дунёга танилади. Ўзбек халқи азал-азалдан касаначилик, дурадгорлик, ёғоч-нақш ўймакорлиги, тунукасозлик сингари ҳунарлари билан доврўқ қозониб келган.

Андижон вилояти, Марҳамат шаҳрилик Муроджон, Комилжон ва Ваҳобжон Муҳиддиновлар ота-боболаридан қолган меросни — тунукасозлик касбининг сирасрорларини қунт билан ўрганишган. Қўли гул усталар хўжалик ва уй-рўзғор буюмларини тез ва сифатли тайёрлаб, аҳоли эҳтиёжини қондиришмоқда.

"Ҳунарли хор бўлмас", деган гап бежиз айтилмаган. Зеро, халқимизнинг маънавий бойлиги, миллий анъаналарини асрашга, бойитишга ҳаммамиз масъулмиз.

Абдурасул ЭРАЛИЕВ.
Марҳамат шаҳри.

Мулоҳаза

Хоржда фақат «ур-сур»ми?

Ҳар куни мамлакатимиз ва жаҳон саҳнасида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиб бораман. "Ўзбекистон" телевидениесининг "Ахборот" информацион дастури орқали юртимиз ижтимоий, маънавий ва маданий ҳаётидаги янгилик ва ахборотларни мунтазам кузатишни канда қилмайман.

Шу ўринда бир таклиф. Хорижнинг асосан уруш ва табиий офатларга алоқадор янгиликлари эфирга узатилади. Агар имкони бўлса, МДҲ ва чет эллардаги ижтимоий, маънавий ва фан-техникага оид кашфиёт ва янгиликлардан ҳам хабардор этилсак. Бу ёш авлод дунёқарашига ҳам ижобий таъсир ўтказади, деган фикрдаман.

Дилбар РАЗЗОҚОВА.
Навоий шаҳри.

Иддао

Емаган сомсага пул тўласак...

Биз Қарши шаҳридаги Аҳмад Яссавий кўчасида истиқомат қиламиз. Яқин йиллар ичида табиий газ муаммосидан қийналиб келмоқдамиз.

Хусусан, ўтган 2004-2005 йиллар мобайнида газдан бутунлай маҳрум этилдик. Бироқ, шундай бўлса-да, тўрт минг сўмдан етти минг сўмгача пул тўлаймиз. Агар тўламасак, ишлатмаган газимиз учун қарздор ҳам бўлиб қоламиз. Вилоят мутасаддиларига бу ҳақда арз қилсанг, нима деб фиғон чекаяпсан, дейишмайди. Биз ҳам аввал тўла-тўкис истеъмол қилиб, кейин ҳақ тўлашни истаймиз.

А.ХИДИРОВ.
Қарши шаҳри.

Бунга нима дейсиз?

Дўқ эмас, ҳақ керак!

Биз Чироқчи туманидаги Аҳмад Яссавий номли фермерлар уюшмаси ҳудудида яшаймиз. Шу ҳудуддаги "Халқ банки"нинг 084-сонли шохобчасидан болаларимиз учун белгиланган нафақа пулларини ололмаяпмиз.

2005 йилнинг август, сентябрь ойлари ҳисобидан берилиши керак бўлган пулларни кимлардир ўзлаштириб юборгани тўғрисида қатор мутасадди ташкилотларга ариза ёзгандик. Улардан жавоб хатлари олдик, шикоятимиз ўринли экани исботланди. Лекин нафақа пули берилмади. Болаларимизнинг ҳақини еб кетганлар жавоб бериш ўрнига тараллабедод қилиб юраверишадими?

Сайёра ЯХШИЕВА ва бошқалар.
Чироқчи тумани.

Аризадан кейинги ариза

Ҳамон ишсизман

Шу йилнинг сентябрь ойида таҳририятга мактуб йўлладим. Унда "Қўқонқишлоқ" пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раисининг мени асоссиз равишда ишдан бўшатгани хусусида арз қилгандим.

Таҳририятнинг беминнат ёрдами туфайли "Андижонпахтасаноат" ҳудудий бирлашмаси ҳамда туман прокуратурасидан расмий жавоблар олдим. Жавоблардан жамият раисининг ҳақиқатан ҳам мени розилигимсиз, ноҳақ ишдан бўшатгани маълум бўлди.

Бироқ ҳаммаси аён бўлишига қарамай, жамият раиси ушбу расмий хатлар асосида мени ўз вазифамга тиклаш ва етказилган маънавий зарарни тўлаш ҳақида ҳеч қандай жавоб бермаяпти. Шунингдек, вилоят прокуратурасидан ҳам жамият ички молиявий тартибсизликларини текшириш натижалари хусусида расмий жавоб берилгани йўқ. Тегишли идоралар менинг ноҳақ эмаслигимни аниқлаган бўлса-да, ишга тикланганимча йўқ.

Мавжуда СОЛИЕВА.
Пахтаобод шаҳри.

Бу — қизиқ!

Велосипедда Германияга сафар

Марғилонлик уста, дурадгор Юсуфжон Маъруфжоновнинг авлодлари Акрамжон Юсуфжонов ва Мусажон Ҳомидовлар Германияга велосипедда сафар қилишни ният қилишганди.

Бу қизиқишни элчихона вакиллари ҳам қўллаб-қувватлашди. Ёш ишқибозлар чет элга тўрт ойлик велосипеддаги сафари мобайнида талай қийинчиликларни бошдан кечиришди. Ҳатто, Польшада тўхтаганларида бирининг велосипедини ўғирлаб қўйишди. Шунда бир польшалик журналист сайёҳларга велосипед ҳадя қилди.

Улар Германияга етиб олишгач, немис футбол жамоаси дарвозабони, машҳур Оливер Кан билан учрашиб, дўстлашишга муваффақ бўлишди.

Марғилонлик Акрамжон ва Мусажонларнинг саёҳатлари муваффақиятли якунланди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.
Марғилон шаҳри.

Қарор ва ижро

Мақсади борнинг йўли бор

Улуғ санъаткорларимиз яратилажак ҳар бир қўшиқнинг сўзига ниҳоятда масъулият билан қарашган. Маъно-мантиқ уйғунлашган ашулагина кўпчиликка бирдек маъқул келади. "Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин, билким гуҳари шарифроқ йўқ ондин" деган пурҳикмат сатрлар ҳам баайни сўзнинг тарбиявий аҳамияти нечоғли юксак эканлигига ишорадир.

Президентимизнинг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарорини ўқиганимда, хаёлимда даставвал ана шу фикрлар чарх урди. Алоҳида таъкидлашни истардимки, бу қарорнинг биз, санъаткорлар учун аҳамияти беқиёс. Зеро, санъаткор, у кино ёки театрда ишлайдими ёхуд хонанда бўладими, бундан қатъи назар, ўз ғоялари, қараш ва мақсадларини фаолияти орқали ҳаётга татбиқ этади. Мақсади борнинг йўли бор, деганларидек, санъаткор эзгу фикрлари, мақсадининг ижроси ила бошқаларга ўрнак бўлиши лозим. Шу билан бирга, у халқнинг юрагида ўзининг соғлом дунёқараши, онгли ҳаёт тарзи, иродалилиги, ватанпарвар инсон сифатида ҳам таассурот қолдириши керак. Менинг наздимда, ҳар бир киши ўз касбини санъат даражасида билиб, унинг мукаммал бўлиши учун муттасил жон куйдириши лозим. Ахир ҳаётнинг ўзи умрбоқий қўшиқ, битмас-туганмас санъатдир. Бинобарин, асл қўшиқда кишини эзгуликка етакловчи маънавий ғоя мужассам бўлади.

Ҳар қадамда қўлласин,
Инсон деган инсонни.
Йўқотмайлик ҳеч қачон,
Қалб гавҳари — иймонни.

Бир қўшиғимдаги бу сатрларда инсон инсонни тушуниши, жамиятни эзгуликка ундовчи кучни бир тану бир жон бўлиб қўллаб-қувватлаш фикри илгари сурилган. Иймони мустаҳкам одам ёт ғояларга алданмайди, ватанининг шаънини ўз ҳақ-ҳуқуқларидек ҳимоя қилади. Айтмоқчиманки, таълим-тарбияда, феъл-атворда, одоб-ахлоқ шаклланишида ота-она қўйган пойдевор қанчалик муҳим аҳамият касб этса, устозлар ўгити, ён-атрофдаги воқеа-ҳодисаларнинг таъсири ҳам шу қадардир. Хусусан, ўқиладиган шеър, эшитиладиган қўшиқлардан ҳар ким турлича хулоса чиқаради. Табийки, ёшларга таъсирчан шеър ва қўшиқларни, мумтоз куй-наволаримизни кўпроқ эшитишга даъват этсак, айни муддао бўларди.

Мен бу билан фақат айрим йигит-қизларнинг маъно-мантиқсиз хонишларни тинглаётганини қораламоқчи эмасман. Аксинча, уларнинг енгил-елпи қўшиқларни эшитишга эҳтиёж туғдираётганларни назарда тутаяпман. Улар орасида буюртма билан шеър ёзадиган, куй басталайдиган ва бир соатда қўшиқ тайёрлайдиган "ижодкорлар" борлиги афсусланарлидир. Токи, хонанда жозибадор қўшиқлар яратмас экан, у ҳеч қачон мухлис орттиролмайди. Айтган қўшиқларининг ҳам таъсири бўлмайди. Демак, мазкур Қарорни синчиклаб ўқиб чиқиб, уни ҳаётга татбиқ этишда ҳар биримиз, жумладан, санъат аҳли фаоллик кўрсатсак, айни муддао бўлур эди. Бир сўз билан айтганда, бурчга содиқлик, ҳеч кимга боқиманда бўлмаслик, мустақил фикрлаш, эзгуликни улуғлаш йўлида қабул қилинган ушбу қарорга ҳар биримиз виждонан ёндошсак, кўзлаган мақсадларимизга тезроқ эришамиз.

Гулбаҳор СУЛАЙМОНОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

Келажак ҳақида қайғуриш, болаларимизни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашга интилиш халқимизга хос хусусиятдир. Шу боис ҳам шахс — давлат — жамият деган асосий тушунчалар бугунги таълим жараёнининг ўзак нуқталарини ташкил этаётир. Айни шу уч нуқта таълим жараёнининг мақсадини белгилайди, мазмунини муайянлаштиради.



ЖАМИЯТ ТАҚДИРИ — ТАРБИЯДА

Шаркда қадим-қадимдан шахснинг жамият ва давлат билан уйғунлик даражаси эътиборда турган. Мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб жамият манфаатларига бўйсунмайдиган ёки шундай манфаатларни тан олмайдиганларни кишилик жамиятига дахлдор деб ҳисобламаслик керак, деган нуқтаи назарни ёқлайди. Ҳатто инсоннинг билим эгаллаши, маънавий жиҳатдан бойиши ҳам фақат шахсий манфаатлар билан эмас, балки жамият ва давлат талабларига алоқадор ҳолда тасаввур этилади.

Бугунги таълим-тарбия жараёнларида иккита йўналиш ёнма-ён келиб қолганлигини тан олиш керак. Буларнинг биринчиси — алоҳида шахснинг ҳар томонлама ривожи, ривожланиш эҳтиёжи ва мажбурияти билан боғлиқ бўлса, иккинчи томонида ана шу шахсга нисбатан эҳтиёж ва зарурат сезиб турган жамият турибди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мана шу тизимнинг мустаҳкам пойдевори бўлганлигини таъкидлаш ўринлидир. Биз тарбия жараёнлари ҳақида гапирганимизда маънавиятимиз хазинасида бу борада ҳам бой дурдоналар тўпланганлигини эътироф этишимиз ўринли.

Башарият мутафаккирлари тарбиянинг дастлаб бевосита оила билан алоқадорлигини қайта-қайта таъкидлашган. Татар халқининг истеъдодли алломаларидан бири Ризоуддин ибн Фахриддин ўзининг «Оила» номли асарида шундай мулоҳазани келтиради: «Миллатлар шарафини юқори мартабага кўтарадиган нарса миллионлар ила саналмоқда бўлган аскарлару дунёда энг буюк ва зўр бўлган кемалар эмас, балки энг оз эътибор берадиганимиз, ё бўлмаса ҳеч бир замон эътибор бермасдан келадиганимиз бўлмиш оиладир. Оила низомсиз бўлса, унинг ёмон оқибати бутун миллатга таъсир этар ва шу сабабдан фазилат ерига разолат, тараққиёт ўрнига тубанлик негиз қурар».

Яна Юсуф Хос Ҳожибга мурожаат этайлик. Буюк мутафаккир, фарзандлар табиатида содир бўладиган фазилат ва нуқсонларнинг сабабчиси боланинг ўзи эмас, балки унинг ота-оналаридир, деб қайта-қайта таъкидлайди.

Оддийгина бир ҳаётий мантиққа қулоқ берайлик: агар ҳар бир оиладаги фарзандлар тарбияси ота-оналарнинг доимий эътибор ва назоратида бўлса, бундай оиладан ноқобил бола чиқиши мумкин эмас. Агар бутун маҳалла шунга эътибор берадиган бўлса, демак, шу маҳаллада жамият учун муносиб фарзандлар етишадиган муҳит мавжуд. Қани энди, барча туман, шаҳар, вилоят ва табиийки, бутун мамлакатда ҳам мана шундай тарбия муҳити шаклланса.

Албатта, бизнинг замонамиз фикрлар хилма-хиллиги, қарашларнинг ниҳоятда ранг-баранглиги билан мукаммалдир. Аммо буларнинг барчаси талабларнинг яхлит ва ягоналигига монелик қилолмайди.

Биз университетимизда ўқитувчи кадрларни тайёрлаймиз. Бу мутахассисларни, биринчи навбатда, республикамиздаги таълим муассасаларига мўлжаллаб тайёрлашимиз ҳам бор ҳақиқат. Шундай экан, таълим-тарбия жараёнларида ягона давлат талабларининг мавжудлигини ҳам, унинг бажарилиши мажбурий эканлигини ҳам тан олмасликнинг иложи йўқ. Фақат буларнинг ёнига тарбиявий ишларни амалга ошириш ҳамиша индивидуал ёндашув ва ижодийликни талаб этишини ҳам қўшсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Биз таълим муассасаларида замонавий, ҳар томонлама баркамол мутахассисларга «ташналик» борлигини инкор эта олмаймиз. Демак, битирувчиларимизга қўйиладиган талаблар ва бу талабларга мувофиқликни таъминлаш йўлларини пухта ўйлаш зарурати бор. Бугун умумий ўрта таълим мактабларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида фаолият кўрсатаётган мутахассислар орасида нўноқлик қилаётган педагогларнинг кечаги талабамиз эканлигини тан олишимиз керак. Шунинг учун ҳам, битирувчиларга амалий йўналтирилган билимларни бериш, уларнинг тарбиявий тадбирларни ташкил этишга оид малакаларини шакллантирадиган, ҳар қандай вазиятда ҳам энг муносиб ва ўринли ечимларни топишга қодир бўлган мутахассисларни тайёрлашимиз керак.

Бунда олий таълимнинг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда беқиёсдир. Эндиликда яхшигина йўлга тушиб келаётган устоз ва шогирдлик муносабатларини янада илиқлаштириш, жипслаштириш, кенгроқ ёйиш зарурати сезилади.

Ўқувчи ва талабаларимизнинг китобхон бўлишларига интилишимиз ҳам ҳаётий заруратдир. Бунда уларнинг фақат касбий фаолиятларига ёрдам берадиган адабиётлар билангина чекланиб қолмасдан, ёшларимизнинг маънан бой ва собит ҳолда шаклланишларига ҳам эътибор керакдир. Машҳур филолог ва педагог Михаил Гершензон бундан юз йил олдинроқ шундай деган эди:

«Болалар ўзларига ҳузур берадиган ҳамма нарсаларни ўқишлари шарт эмас, аммо ўқийдиган нарсаларининг ҳаммаси уларга ҳузур бериши шарт...».

Яна таъкидлаш жоизки, ўсиб келаётган ёш авлодда оламни ҳам, одамни ҳам чуқурроқ билишга бўлган табиий қизиқиш мавжуд. Бу эҳтиёж муносиб тарзда қондирилса ва ривожлантирилса, жамиятнинг эртаси учун хизмат қила оладиган мукаммал шахс ва билимдон ходим бўлишига шубҳа йўқ.

Ҳаётнинг ўзи тарбия тизими ва жараёнида тасодифий нарсаларнинг йўқлигини, унинг ҳамма бўғинлари ва жабҳалари ниҳоятда муҳим аҳамият касб этишини кўрсатиб турибди. Ҳамма гап бор куч ва имкониятларнинг шу йўналишга тўла ва унумли сафарбар қилинишида қолган, холос.

Боқижон ТЎХЛИЕВ,
Низомий номидаги ТДПУ Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси кафедраси мудири, профессор.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

Хотиржамлигимиз ўз қўлимизда

Ёнғиндан қандай фожиа юз бериши мумкинлиги барчага маълум. Бу офатнинг катта моддий зарар етказиш билан бирга, қанчалик мусибатлар келтиришини сўз билан ифодалаш мушкул. Афсуски, аксарият ҳолларда ёнғин айнан ўзимизнинг эътиборсизлигимиз ва лоқайдлигимиз туфайли рўй беришини ҳам инкор этиб бўлмайди. Натижада инсон ҳаётдан бевақт кўз юмиши ёки жароҳатланиши мумкин. Бундан ташқари, йиллаб пешона тери тўкиб орттирилган мол-дунё саноқли дақиқаларда кўкка совурилади.

Масалан, шу йил 16 ноябрь куни Бўстонлиқ тумани «Хўжакент» қишлоғи Бобур кўчасида яшовчи фуқаро Б.Жумаевнинг уйида ёнғин содир бўлди. Сабаби — печ мўрисининг носозлигидир. Ёки 19 ноябрда Қибрай туманидаги «Қибрай» қўрғони, Ибрат кўчаси 138-уйда истиқомат қилувчи Х.Мирзатиллаевга қарашли молхонада юз берган ўт балоси эса электр симларининг қисқа туташуви туфайли келиб чиққан. Бундай мисоллар, афсуски, кам эмас. Умуман, биргина Тошкент вилоятида жорий йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида 1428 та ёнғин содир бўлган. Шундан 978 таси фуқаролар яшовчи уй-жойларда юз берган. Оқибатда 17 киши ҳаётдан кўз юмган, яна 78 нафари жароҳатланган.

— Агар аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидалари фаол тарғиб қилинмаганида бундай фожиалар янада кўп бўлиши мумкин эди, — дейди Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ катта муҳандиси, майор Фахриддин Абдумавлонов. — Ўтган ойлар давомида маҳаллалар, ўқув юртлари, болалар боғчалари, корхоналар, истироҳат боғлари ва бошқа жамоат жойларида ўт балосининг олдини олишга қаратилган 1344 та учрашув ўтказилди. Яна қарийб юз минг ишчи-хизматчи билан уларнинг иш жойларида ва фуқаролар яшаш жойларида йўриқномалар ҳамда суҳбатлар уюштирилди. Юз мингдан ортиқ эслатма ва варақаларнинг аҳолига тарқатилиши ҳам ўз самарасини бермоқда. Жумладан, ЁХБнинг тарғибот автобуси шаҳар ва туманларга чиқиб, йирик саноат корхоналари ва жамоат жойларида ўтказган учрашувлар ҳам фойдадан холи бўлмаётганини эътироф этмоқ лозим.

Суҳбатдошимизнинг бу гапларига ёнғин хавфсизлиги ходимларининг ишлари барча оммавий ахборот воситалари орқали ёритилаётганини ҳам қўшиш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, Вазирлар Маҳкамасининг 10 ноябрдан 10 декабрга қадар «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» деб белгилаши ушбу йўналишдаги ишларнинг янада жадаллашишига, фуқароларимизнинг ўт балосига йўл қўймаслик борасидаги масъулиятини янада оширишда муҳим омил бўлди. Хусусан, пойтахт вилоятида ойликнинг ўтган ўн куни мобайнида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари 496 та халқ хўжалиги маскани, 51623 та фуқаролар яшовчи ва 402 та кўпқаватли уйнинг ёнғинга қарши ҳолати текшириб кўрилди. Текширишлар давомида айрим жойларда ёнғин хавфсизлигига эътиборсизлик билан қараш ҳоллари аниқланди. Шу боис, ёнғин хавфи бўлган 116 та маскан, цех ва алоҳида хоналарнинг иши бу борадаги камчиликлари бартараф этилгунига қадар тўхтатилди. 879 та носоз, ёнғин чиқиши хавфи бўлган газ ва электр қурилмалари ўчириб қўйилган, 304 фуқаро эса ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузгани учун маъмурий жавобгарликка тортилди.

— Бундан ташқари, газ ва электр тармоғи корхоналари ходимлари милиция профилактика нозирлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари билан ўтказилган рейдларда газ тизимига ўзбошимчалик билан уланган 23 та, электр энергиясидан ноқонуний фойдаланаётган 34 та тармоқ аниқланди ва уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди, — дея гапида давом этди Ф.Абдумавлонов. — Яна 364 та носоз ва резина шланг орқали уланган газ ускуналари ўчирилди. Шу билан бирга, манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда 408 та газ тақсимлаш пункти, 398 та трансформатор кичик станциялари текширилиб, уларда аниқланган камчиликларни бартараф қилиш чора-тадбирлари белгиланди.

Дарҳақиқат, айни кунларда Ёнғин хавфсизлиги ойлиги давом этаётир. Ушбу тадбир, фуқаролар хавфсизлиги, қолаверса, оилаларимиз осойишталигини таъминлашга, бир сўз билан айтганда, юртимиз ободлигига қаратилган. Шу боис, мана шу эзгу ишларни амалга оширишда ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшсак, нур устига нур бўлади. Хавфсизлигимиз ва осойишталигимиз ўз қўлимизда эканини унутмайлик.

Салим ДОНИЁРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

РЕСПУБЛИКА АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ —
«ҒАЛЛАБАНК»

мамлакатимиз аҳолиси ҳамда ўзининг доимий мижозлари учун 15 дан ортиқ жозибадор омонат турларини жорий этгани ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллиги муносабати билан 2006 йил 15 ноябрдан 2007 йил 15 январгача бўлган муддат давомида қабул қилиш шарти билан қисқа муддатли

«Soug'a», «Mehr» ва «Sarmoya»

номли юқори фоиздаги янги омонат турларини таклиф этади.

«Soug'a» омонат турига маблағлар **3 ой** сақлаш ва йиллик **18 фоиз** устама тўлаш шарти билан қабул қилиниб, фоизлар омонат қўйилган кундан тўлаб борилади.
Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори — 500 минг сўм.

«Mehr» омонат турига маблағлар **6 ой** сақлаш ва йиллик **18 фоиз** устама тўлаш шарти билан қабул қилиниб, омонат фоизлари ҳар ойда тўлаб борилади.
Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори — 100 минг сўм.

«Sarmoya» омонат турига маблағлар **1 ой** сақлаш ва йиллик **18 фоиз** устама тўлаш шарти билан қабул қилиниб, фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.
Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори — 100 минг сўм қилиб белгиланган.

Омонатлар банкнинг барча филиалларида қабул қилинади.

Барча мижозларнинг маблағларини хатарсиз сақлаб, ҳисобланган фоизлари билан ўз муддатида қайтарилиши ҳамда унинг қатъий сир сақланиши «Ғаллабанк» томонидан кафолатланади.

«ҒАЛЛАБАНК» ОМОНАТЛАРИ — КЕЛГУСИ ДАРОМАДЛАРИНГИЗ КАФОЛАТИДИР!

«ҒАЛЛАБАНК» ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН!

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялар гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача).

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда, Мўлжал — Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Российский линолеум

Производство ЩекиноАзот г. Тула, Стройпластмасс г. Ульяновск

тел. 134-48-11
факс 134-49-58

Молия тизими

Бозор иқтисодиётининг самарали фаолиятини замонавий, кенг тармоқли, техник жиҳатдан мукаммал банк — молия тизимисиз тасавур қилиш мумкин эмас.

Ислом КАРИМОВ.



«Пахтабанк»: ДЕҲҚОНЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ МАДАДКОРИ

Истиқлол шарофати туфайли мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасининг пахтачилик ва ғаллачилик тармоқларида қувончли ютуқларга эришилмоқда. Бу тармоқларда илғор тажрибалар, фан ва техника ютуқларидан омилкорлик билан фойдаланилаётгани, пахта ва ғалланинг тезпишар, эртанги навлари яратилгани, энг муҳими, иқтисодий ислоҳотлар ҳаётга кенг жорий этилаётгани, зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликлари тугатилиб, уларнинг негизида фермер хўжаликлари ташкил этилганлиги, ер ҳақиқий эгасини топганлиги, фермерлар билан хизмат кўрсатувчи ташкилот ва муассасаларнинг ягона эзгу мақсад йўлида қўлни-қўлга бериб, ҳамкорликда ишлаётганлиги муваффақиятларнинг асосий омили бўлмоқда.

Бу йил, айниқса, ғаллакорлару пахтакорларимиз учун қутлуғ келди. Хусусан, ғаллакорларимиз 6 миллион 100 минг тоннадан зиёд ғалла етиштирган бўлсалар, лабзи ҳалол, аҳдида устувор пахтакорларимиз эса 3 миллион 600 минг тонналик юксак хирмон уйдилар.

Табиийки, ҳар бир ишнинг муваффақияти биринчи галда маблағга, молиявий хизматлар қўлами ва даражасига бориб тақалади. Бу борада республикамизнинг энг нуфузли ва етакчи молиявий муассасаларидан бири — акционерлик тижорат «Пахтабанк»и жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта. Улар йилнинг 365 куни мобайнида деҳқонлар билан ёнма-ён туриб, елкама-елка ишламоқдалар. Уларга ҳақиқий кўмакдош, мададкор бўлмоқдалар.

Бугун мазкур саҳифамизда «Пахтабанк»нинг қишлоқ хўжалиги равнақига қўшаётган муносиб ҳиссаси ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Қаторда норнинг бўлса...

Одатда «Пахтабанк» ходимларини пахта далаларида, ғаллазорларда, тайёрлов ташкилотларию қайта ишлаш ташкилотларида тез-тез учратасиз. Улар бор билимлари, имкониятлари ва салоҳиятларини ишга солиб, ер соҳибларига елкадош бўлишга ҳаракат қилмоқдалар.

Банкирларнинг сидқидил меҳнатлари туфайли эндиликда деҳқонларимиз техникани ҳам, кимёвий ўғитни ҳам, эҳтиёт қисмлар-у ёнилғини ҳам, қўйинг-чи, иш ҳақини ҳам ўз вақтида олишаётгани, айниқса, қувончлидир. Бир мисол. Ерга чигит экилиб, ҳосил тақдири ҳал бўладиган февраль, март, апрель, июнь, июль, август ойларида банк ширкат ва фермер хўжаликларининг 2006 йилда пахта ҳосили етиштириш эҳтиёжлари учун жами 252 миллиард 806 миллион 284 минг сўм имтиёзли кредитлар ажратган эди. Ана шу маблағнинг 80 миллиард сўмидан зиёдроғи «Қишлоҳхўжаликкимё» акциядорлик жамиятининг жойлардаги филиалларига, 49 миллиард 527,5 миллион сўмдан кўпроғи «Ўзнефтмаҳсулот» корхоналарига йўналтирилди. Машина-трактор паркларига эса 27 миллиард 393 миллион сўм имтиёзли кредитлар берилди. Бу ўтган йилдагига нисбатан қарийб 6 миллиард 193 миллион сўм кўпдир.

Ана шу маблағлар далага кимёвий ўғитларнинг ўз муддатида етиб бориши, ғўза ва ғалла пайкалларига тушиши, техникаларни тўхтовсиз ишлашида асосий омил бўлди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ҳосилни турли хил зараркунандалардан ҳимоя қилиш ишига, биолабораториялар ва биофабрикалар фаолиятини юритишга ҳам 2,5 миллиард сўм кредит берилганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Бугунги деҳқонни техникасиз тасаввур этиш қийин. Шу боис 1636 та ширкат ва фермер хўжаликларига ажратилган 35 миллиард 144 миллион сўм кредит ҳисобига 1217 та техника ва эҳтиёт қисмлар харид қилинди. Техникаларнинг асосий қисмини мустақиллик қалдирғочлари бўлган фермерлар олдилар. Уларга 676 та техника, шу жумладан, 46 та «ВТ-150», 70 та «Т-4А», 17 та «ТТЗ-100», 86 та «ТТЗ-80» тракторлари, 44 та культиватор ҳамда бошқа восита ва эҳтиёт қисмлар етказиб берилди.

Шунга қўшимча шу йилнинг май ойларида, ғалла мавсумидан олдин Осиё Тараққиёт банки кредит линияси ҳисобидан 49 та, Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт банки кредит линияси ҳисобидан 53 та ва банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан лизинг асосида 40 та «Класс Доминатор — 130» русумли комбайнлар фермерларга етказиб берилди.

Бундан ташқари, «Пахтабанк» томонидан қишлоқ хўжалик корхоналари ва фермерларга хизмат кўрсатувчи «Ўзагромашсервис» ҳамда «Ўзқишлоҳхўжаликкимё» тизимидаги корхоналарга минерал ўғит ва эҳтиёт қисмлар, биопрепаратлар захирасини яратиб олишлари учун 103 миллиард сўмлик факторинг хизмати кўрсатилиб, тегишли миқдорда кредитлар ажратилди.

Эътиборлиси, пахта йиғим-терими мавсумида терилган пахта учун нақд пул маблағлари ҳар беш кунда дала бошида тарқатилди. Бу маблағларнинг ўз вақтида, узлуксиз теримчиларга тегишини ташкил этиш, назорат қилиш учун банкнинг 257 нафар раҳбар ходими туманларга, 367 нафар ходими ширкат хўжаликларига, 1957 нафар ходими эса фермер хўжаликларига бириктириб қўйилди.

Дала этагидаги мини банк

Банк хизматини қишлоқ меҳнаткашларига яқинлаштириш, қишлоқ мулкдорлари — фермерларнинг мушкулини осон, узоғини яқин қилиш мақсадида далаларда, одамларга қулай жойларда 640 та мини банк ташкил этилиб, керакли жиҳозлар билан таъминланди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 215-қарорига асосан, тугатилган ширкат хўжаликлари ҳудудида 150 та, 155-қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида 26 та банк шохобчасининг фаолияти йўлга қўйилди. Банк раҳбарияти йил охиригача яна 49 та шундай шохобчалар очмоқчи.

Жорий йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, ана шу мини банклар орқали фермерларга, қишлоқ мулкдорлари, тадбиркорларга 119 миллиард сўмлик кредитлар берилди. Эндиликда банк шохобчалари фермерларга хизмат кўрсатишдан ташқари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳам биринчи талабига мувофиқ, уларнинг ҳисобварақларини очяапти, тадбиркорлар ва жисмоний шахслар ҳамда хўжалик субъектлари ўртасидаги тўлов операцияларини амалдаги қонунчилик доирасида ўз вақтида амалга оширмоқда, нақд пул тушумларини, барча турдаги коммунал ва бошқа тушумларни қабул қилмоқда. Мижозларнинг тўлов топшириқларини амалга оширмоқда. Уларнинг молиявий фаолиятига доир юридик ва консалтинг хизматлари кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, янгидан ташкил этилаётган айрим фермер хўжаликлари раҳбарларининг ҳисоб-китоб ишларига тажрибасизлигини ҳисобга олиб, «Пахтабанк» жойлардаги ҳокимият ходимлари билан биргаликда, улар иштирокида ўқув-семинарлар ўтказмоқда. Айни чоғда, давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари раҳбарларига мўлжалланган услубий ўқув-қўлланма ишлаб чиқиб, барча филиалларга етказиб бермоқда. Бу услубий қўлланмада давлат эҳтиёжларига пахта ва ғалла етиштириш бўйича контрактация шартномалари тузиш тартиби, шартнома шартларини бажариш юзасидан томонларнинг жавобгарлиги, бизнес-режа тузиш, имтиёзли кредит олиш ҳамда бўлғуси ҳосилни суғурталаш тартиблари шарҳлаб берилганки, улар мижозларга жуда маъқул тушмоқда.

Лизингга гап йўқ!

«Пахтабанк» 1996 йили республикамиз тижорат банклари ўртасида биринчилардан бўлиб ўз тизимида лизинг хизматлари кўрсатиш бўлимини, кейинчалик эса алоҳида бошқарма ташкил этиб, лизинг бозорида талаб ва таклифларни ўргана бошлаган эди. Бунда, албатта, Президентимиз Фармони ва ҳукумат қарорлари банк жамоаси учун дастуриламал вазифасини ўтади. Амалга оширилган тадбирлар эса банк бозорида нафақат лизинг олувчиларнинг, балки лизинг берувчиларнинг ҳам қизиқиши ортишига олиб келди.

Бугунги кунда банк тизимида лизинг хизмати кўрсатиш даражаси тобора ортиб бормоқда. Масалан, 2003 йилда 217 та лойиҳа бўйича 1666 миллион сўмлик, 2004 йили 385 та лойиҳа бўйича 2024 миллион сўмлик, 2005 йилда 808 лойиҳа бўйича 7260 миллион сўмлик ва жорий йилда эса 1351 та лойиҳа бўйича 15192 миллион сўмлик лизинг хизматлари кўрсатилди.

Мижозлар нима дейди?

– «Пахтабанк»нинг афзаллиги нимада? – сўраймиз Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги «Ҳуррамов Алибек» фермер хўжалиги раҳбари Ҳуррам Бўтаевдан.

– Афзаллиги жуда кўп, – дейди у. – Биринчидан, бу банкнинг иқтисодий илдизи мустаҳкам. Исталган вақтда кредит беради, мижозни ҳеч қачон доғда қолдирмайди. Доимо қўллаб-қувватлайди. Шу йилнинг ўзида банк берган кредитга 1 та трактор, «ОВХ» мосламасини сотиб олдим. Муносабатларимизни яна мустаҳкамлаш мақсадида, шунингдек, банкнинг 1,5 миллион сўмлик акциясини ҳам харид қилганман.

Улуғбек Йўлдошев Фарғона вилояти Охунбобоев туманидаги «Оби ҳаёт жилваси» фермер хўжалиги раҳбари. У 36 гектар ерда пахта ва ғалла етиштиради. Шу йилнинг бошида фермер банкнинг Охунбобоев филиалига 20 миллион сўм кредит сўраб мурожаат қилган эди.

— Қишлоғимиздаги мини банк ходимлари менга тегишли ҳужжатларни тўлдиришда ёрдам беришди, — дейди Улуғбек. — Кейин кредит беришни ҳам чўзиб ўтиришмади. Бу кредитга тугатилаётган ширкат хўжалигининг чорва моллларини биноси билан сотиб олдик. Бундан ташқари, озуқа, емхашак етиштириш учун 37 гектар ер ҳам ажратилди. Ҳозир 58 бош қорамол, 43 бош бузоқ, 25 бош қўйимиз бор. Иккита новвос ва 4 та отни ҳам парвариш қилаяпмиз. Келажакда эса банк билан ҳамкорлигимизни давом эттириб, чорва маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхона очиш ниятидаман.

«Пахтабанк»нинг Қашқадарё вилояти бошқармасининг ажратаётган кредитлари ва лизинг хизматларидан ҳам фермерлар миннатдор. Ахир шунинг ҳисобига вилоятга 192 та турли техника воситалари келтирилди-да.

Ғузор туманидаги «Маҳмараҳим ота Карим» фермер хўжалиги раҳбари Тўра Каримов шундай дейди:

— Банкдан олган 31840 минг сўм кредит ҳисобига «ВТ-150» русумли трактор сотиб олгандим. Бу трактор билан мавжуд 86 гектар майдонда шудгорлаш, текислаш, молалаш, пушта олиш каби ишларни ўз вақтида амалга ошириб, бир йилнинг ўзида техника харажатларидан 10 миллион сўм тежаб қолдим. Бундан ташқари, қўшни фермерлар далаларини шудгорлаш эвазига қўшимча 13 миллион сўм даромад топдим...

Шу тумандаги «Аваз» фермер хўжалиги раҳбари Ҳусан Алишеров эса лизингга олган «Дон-1500Д» русумли ғалла ўриш комбайни ёрдамида бир мавсумнинг ўзида 35 миллион сўм атрофида даромад олганлигини қувонч билан гапириб берди.

— Эндигина оёққа тураётган жамоамиз фаолиятини йўлга қўйишда «Пахтабанк»нинг хизматлари беқиёс бўлмоқда, — дейди Қашқадарё вилояти Ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази бошлиғининг ўринбосари А.Иброҳимов. — Гап шундаки, мавжуд 12 та ўсимликларни ҳимоя қилиш отрядимиз банкнинг 400 миллион сўмлик кредитлари ва лизинг хизматлари асосида қўшимча 9 та ишлов трактори, 8 та «ОВХ» пуркагичи, 8 та тиркама ва бошқа техника воситалари харид қилган эди. Улар ёрдамида вилоятимиз далаларидаги экинларни ҳосил зараркунандаларидан сақлаб қолишга эришдик.

Ёз ойларида, ҳосил тақдири ҳал этилаётган дамларда Сурхон воҳасининг Қизириқ туманида ёнига сумка осиб, яп-янги велосипедда ғўза экинларини назорат қилиб юрган кишиларни учратган эдик. Кейин билсак, туман ўсимликларни ҳимоя қилиш отрядининг ана шу аъзоларига 110 та велосипедни «Пахтабанк»нинг вилоят бошқармаси олиб берган экан.

Бухорода бўлганимизда эса Бухоро туманидаги энг илғор «Ҳожи» фермер хўжалигининг раҳбари Фахриддин Қандовдан «Ҳисоб рақамингиз қайси банкда?» – деб сўрадик.

— Албатта, «Пахтабанк»да, — деди Фахриддин фахр билан.

— Банк хизматида ранг-мунча муаммолар бор, дейишади-ку? — дедик ўсмоқчилаб.

— Бекорчи гап, — деди фермер. — Шундоқ қишлоғимизнинг ўзида «Пахтабанк» туман бўлимининг шохобчаси очилган. Мини банк, дейишади. Ҳамма муаммоларимиз шу ернинг ўзида ҳал бўлаяпти. Ҳар ойнинг иккинчи ёки учинчи куни у ердан қўнғироқ қилиб, пул келганлигини хабар қилишади. Ҳисобчи-кассиримиз пулни олиб, ишчиларга тарқатади. Бу йил ғалла етиштириш учун 2 миллион 759 минг сўмлик, пахта тайёрлаш учун эса 10 миллион 733 минг сўмлик имтиёзли кредитлар олдик. Механизаторларимиз, сувчиларимиз, бошқа ишчиларимиз маошларини ҳам ойма-ой олиб туришибди. Айтмоқчиманки, бугунгача иш ҳақи масаласида узилиш бўлгани йўқ. Яқинда яна 15 миллион сўм кредит олиш учун ҳужжат тайёрлаб, мини банк мудиридан туманга бериб юборгандим. Ҳал бўлибди. Ўзи 28 бош қорамолим бор. Худо хоҳласа, мўъжазроқ битта молхона қуриб, чорва бош сонини янада кўпайтирмоқчиман.

— Қўшним бўладиган гапни айтди, — дея суҳбатга қўшилди «Улуғбек Раҳмат» фермер хўжалиги раҳбари Исмат Сафаров. — Ҳақиқатан, банкирларнинг ўзлари «Қандай хизмат керак?», деб даламизга келишаяпти. Иш ҳақи, ўғит, техника харажатлари учун кетадиган маблағни ойма-ой олаяпмиз. 51 гектар ерим бор. Шундан 41 гектарида пахта, қолганида ғалла етиштирамиз. Ҳозиргача банкдан 11 миллион сўм имтиёзли кредит олдим. Ўтган йилги фойдамиз ҳисобига битта «МТЗ-80» трактори, битта тиркамали трактор сотиб олган эдим. Бу йил эса кредит эвазига чорвачиликни йўлга қўймоқчиман.

– Мен «Bukhara Golden Fruit» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонасини ташкил этдим, — дейди бухоролик тадбиркор Миршод Воҳидов. — «Пахтабанк»нинг вилоят бошқармаси орқали Осиё Тараққиёт банкининг кредит линиясидан олган маблағ эвазига хориждан соатига 20 тонна мевани қайта ишлайдиган технологик ускунани олиб келиб ўрнатдим. Ўтган йилнинг ўзида 30 та қўшимча иш ўрни яратиб, 2283,8 тонна ўрик, шафтоли, олма концентратлари ва помидор пастаси ишлаб чиқаришга эришдик. Маҳсулотимизнинг асосий қисмини хорижга экспорт қилаяпмиз.

«Пахтабанк» фаолияти ҳақидаги бундай самимий дил сўзларини бошқа кўплаб ҳамюртларимиздан ҳам эшитдик.

Бетиним, беҳаловат

«Пахтабанк»нинг хизмат кўлами, банк жамоаси амалга ошираётган хайрли ишлар ва тадбирлар ҳақида яна кўп ва хўб гапириш мумкин. Биз юқорида катта ва аҳил жамоанинг мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тараққиётига қўшаётган ҳиссаси, қишлоқ мулкдорлари, фермерларга бераётган амалий ёрдамлари ҳақидагина тўхталдик. Қишлоқда деҳқон юмушлари, ҳосил ташвишлари йилнинг 365 кунида тўхтамаганидек, «Пахтабанк»нинг иш кунлари ҳам 365 кун давомида бир зум бўлса-да, тўхтамайди. Мисол учун, айни кунларда пахта мавсуми ниҳоясига етиб, қайта ишлаш корхоналарида 2006 йил ҳосили қайта ишланаётган бўлса, далаларда кузги шудгорлаш, ғалла майсалари парвариши қизғин давом этаяпти. Бу ишларнинг ўз муддатида, беками-кўст амалга оширилиши йўлида ҳам «Пахтабанк» жамоаси қишлоқ меҳнаткашларининг, фермерларнинг энг яқин ҳамкори, елкадоши, молиявий кўмакчиси сифатида тиним билмаяпти.

Айтгандай, пойтахтимизда Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Uzbekiston Agrominitech Expo-2006» кўргазма-савдоси ва II Халқаро пахта ярмаркасида «Пахтабанк»нинг иштироки, фермерларга кўрсатган амалий ёрдамлари, мамлакатимиз тадбиркорларини қўллаб-қувватлашга қўшаётган ҳиссаси ҳақида ҳам алоҳида ҳикоя қилиб бериш ниятимиз бор.

Н. ОРТИҚОВ.

Далил ва рақамлар



- **1995 йил август ойида молиявий, мулкий ва бошқа мажбуриятлар ҳамда талаблар бўйича «Ўздеҳқонсаноатбанк»нинг ягона ҳуқуқий вориси саналган универсал шаклдаги акциядорлик-тижорат «Пахтабанк» ташкил топди.**
- **1996 йилда банкка давлат қисқа муддатли облигациялари бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий ва ваколатли бирламчи дилери мақоми берилди.**
- **1997 йил. «Пахтабанк» «SWIFT» жаҳон банкларараро молиявий телекоммуникациялар ҳамжамияти аъзолигига қабул қилинди.**
- **1998 йил. Банкнинг фонд бозоридаги фаолиятини кенгайтириш мақсадида «Пахта-Инвест» бошқаруви компанияси ва «Пахта-Сервис» депозитарийси шўъба корхоналари таъсис этилди. «Пахтабанк» Осиё ва Тинч океани қишлоқ хўжалигини кредитлаш ассоциациясининг аъзоси бўлди.**
- **1999 йилда «Пахтабанк» Қишлоқ хўжалигини кредитлаш халқаро конфедерацияси (КИКА)нинг тенг ҳуқуқли аъзолигига киритилди. «Пахтабанк» ташкилий инфратузилмаси халқаро андозалар даражасида қайта шакллантирилди ва корпоратив бошқарув тизимига ўтди.**
- **"2000 йил. «Пахтабанк» «Томсон Файненшиал Бэнк Вотч» халқаро рейтинг компаниясининг юқори баҳосини олди.**
- **2001 йил. «Пахтабанк» универсал банкка айлантирилди. Шу йили унинг пластик карточкаси жорий қилинди. Давлатлараро имзоланган меморандумга асосан, Хитой Халқ Республикаси «Эксимбанк»ининг кредит линияси очилди.**
- **2002 йил. «Пахтабанк»ка ХТТБ кредит линиясини жалб этиш мақсадида шартнома имзоланди.**
- **2003-2004 йилларда Буюк Британиянинг нуфузли «THE BANKER» журнали ҳамда «FT Business»-«Financial times» газетаси ўтказган танловда иштирок этган «Пахтабанк» энг юқори натижага эришди ва «Ўзбекистоннинг 2003-2004 йилги энг яхши банки» деб эътироф этилди.**
- **2005 йил. «Пахтабанк» пластик карточкалар билан ишлайдиган Халқаро BGS «SMARTKARD SYSTEMS» компаниясининг «энг яхши ҳамкор» йўналиши категорияси бўйича ғолибликни қўлга киритди.**
- **2006 йилда «Пахтабанк»нинг эълон қилинган устав капитали 13,5 миллиард сўмга етиб, унинг акциядорлари сони 80 мингдан ошди.**

БАРЧА ИЛЛАТЛАРНИНГ БОШИ ЛОҚАЙДЛИКДА

— Мен шундай деб биламан, — мулоҳаза юритади жиноят ишлари бўйича Андижон тумани судининг судьяси Давронбек Абдуазизов. — Бир маҳалладан ўғри чиқиб кўпчиликнинг ҳаловатини бузса ёки ўсмир безорилик кўчасига кириб муштумзўрлик қилса-ю, биров мушугини пишт демаса, ўша иллатлар бора-бора чуқур томир отиб, оғир жиноятларга олиб келади. Шундай экан, атрофимизда кечаётган воқеа-ҳодисаларга, айниқса, ҳаётимизга раҳна солувчи, доғ бўлиб тушувчи ғайриқонуний ишларга бефарқ қарашга ҳеч биримизнинг ҳақимиз йўқ. «Ўз уйингни ўзинг асра!» деган даъватнинг мазмун-моҳияти ҳам аслида шу.

Билагида кучи, белида қуввати тўлиб-тошиб турган Акмал Юсупов, Мансур Исабоев, Диёрбек Мўминовларнинг жиноий қилмишлари судда кўриб чиқилди. Навқирон йигитлар узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиндилар. Ҳолбуки, улар ҳам бошқа тенгқурлари сингари бирор ишнинг этагидан тутишганда, умрларининг энг ширин дамларини панжара ортида ўтказишмасди. Афсуски, уларнинг ота-оналари, маҳалла-кўй, жамоатчилик бепарво бўлди, бола тарбиясидек масъулиятдан ўзларини олиб қочишди, ниш уриб келаётган дардга беписандлик билан қаради. Храбек қишлоғи ҳудудида жойлашган Бобур номли сиҳатгоҳда ишловчилар-чи? Улар ҳам лоқайдлик қилишди.

Аслида воқеа мана бундай кечади. Акмал билан Диёрбек кечқурун сиҳатгоҳда саломатлигини тиклаётган танишларини кўргани бориб, маишатбозлик қилишади, спиртли ичимликлар ичиб маст-аласт бўлишади. Бироқ шифокорлар «Бу ер сиҳатгоҳ, ароқ ичиб улфатчилик қиладиган жой эмас», дейишмайди. Оқибати шу билан якун топдики, ўзаро тортишув муштлашувга айланиб кетди. Хонадаги ойнали жавон тепиб синдирилди. Дераза ойналари ва электр чироқлари чилпарчин бўлди. Дам олаётганлардан икки нафари жароҳатланди. Сиҳатгоҳга 343 минг сўмдан ортиқ зарар етказилди.

Яра вақтида даволанмаса, газак олади. Жамоатчиликнинг лоқайдлиги, бўлиб ўтган дилхираликларга нисбатан муносиб баҳо берилмагани бояги зўравонларни янада ҳаволантириб юборди. Энди улар тадбиркор Р.Маматовнинг Андижон шаҳридаги Қаландаров кўчасида

Огоҳлик — давр талаби

жойлашган тижорат дўконига бостириб кириб, салкам йигирма минг сўмлик маҳсулот билан эллик минг сўм миқдоридаги савдо пулини олиб чиқиб кетдилар.

Жиноят жазосиз қолмади. Мунтазам безорилик қилиб келган уч оғайни қилмишларига ярашасини олишди.

— Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, — деб давом этади судья Давронбек Абдуазизов, — жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида 180 та жиноят иши кўрилган бўлса, шундан 86 таси ёшлар томонидан содир этилган. Бу далиллар ёшлар, вояга етмаганлар билан олиб борилаётган профилактик тадбирлар кўнгилдагидек эмаслигидан далолат беради. Ёшларнинг таълим-тарбия олишлари учун масъул муассасалар, касб-ҳунар коллежлари жамоалари, ўзини ўзи бошқариш органлари ўтказаётган тадбирлар яхши самара бермаётганини кўрсатади.

Қайси маҳалланинг, қишлоқнинг одамлари ҳушёр, сергак бўлса, ўша ер тинч-осойишта бўлади. Ҳар қандай ножўя ишларга, ҳуқуқбузарликларга қарши дадил сўз айтиладиган жойда жамиятга ёт иллатларнинг пайи қирқилади. Эгри йўлга қадам ташламоқчи бўлганни тўғри йўлга солиш, йиқилаётганни суяб қолиш, алданганлар дардига малҳам бўлиш аслида огоҳлик дояларидир. Бемаврид ёниб турган электр чироғини ўчириб қўйиш, бесамар оқаётган водопровод жўмрагини беркитиш, газни ҳуда-беҳуда ёқмаслик — буларнинг ҳаммаси сезгирликни, теварак-атрофга бефарқ эмаслигимизни англатади. Агар кўзларни мудроқ босса, ғафлат уйқусидан уйғонолмасак, ёнимиздаги жабрдийдага ёрдам қўлини чўзолмаймиз. Ҳақиқат рўёби учун курашолмаймиз. Аксинча, бир неча бор ўғирлик устида қўлга тушиб, жазони ўташ жойларининг қунда-шундасига айланган Акмал Бобобековга ўхшаганларга имконият эшикларини очиб берган бўламиз.

Дарвоқе, Фарғонанинг Қува туманида туғилган Акмал ўн олти ёшга тўлар-тўлмас, ўзгалар мулкини ўғирлашдек жирканч ишга қўл урди. Етти йилдирки, ҳар йили суднинг қора курсисига ўтиради. Охирги сафар Андижон томонларни мўлжалга олди. Хакан қишлоғининг Қоратут маҳалласида истиқомат қилувчи Лазокат Каримованинг хонадонига девор ошиб тушди-да, меҳмонхонада сақланаётган олти миллион сўм пулни ўмарди. Ўралувчан, «Бессмертний» деб номланган 500 минг сўмлик, худди шундай номланган ясси кўринишдаги ярим миллион сўмлик тилла занжирларни, қиймати 700 минг сўмлик Қашқар балдоғини, жуда кўплаб тилла узук, сирға ҳамда қиймати 578 минг сўмлик тўрт дона сариқ металлдан ишланган тангаларни ўғирлади. Умумий қиймати яқин ўн уч миллион сўмлик мулкини ўмариб, Лазокат Каримовани чув туширди.

Ўзгалар мол-мулки ҳисобига ўйнаб-кулиб яшамоқни режалаштирган Акмал Бобобеков қаттиқ адашди. Эҳтимол, у узоқ муддатли жазони ўтаб бўлгач, ақлини топиб олар.

— Авлод-аждодларни бағрига босиб келган, ўзимизни улғайтирган, жондан азиз фарзандларимизни кўксида кўтариб турган шу азиз тупроқни муқаддас билмасак, Ватанга муносиб ўғил-қиз бўлолмасак, ношукурлик қилган бўламиз, — суҳбатига якун ясади Давронбек Абдуазизов. — Билиб-билмай нобакорлик йўлига кириб қолаётганларни, жиноятга қўл ураётганларни тўғри йўлга солиш, ҳаётда ўз ўрнини топиб олишларига кўмаклашиш биз, ёши улуғларнинг, кенг жамоатчиликнинг муқаддас бурчи, бўйнимиздаги қарздир. Масъул вазифалар ишониб топширилган ҳар бир ходим, менинг назаримда, хонага михланиб қолмасдан халқ орасига кириб бориши, маҳаллаларда бўлиши, фуқаролар билан юракдан суҳбатлашиши керак. Ушандагина одамларнинг турли маҳкамаларга ва ташкилотларга ишончи ортади.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БАРЧА ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ
МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ МАРКАЗИ



2007 ЙИЛ УЧУН ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИНИ МАЖБУРИЙ ДАВЛАТ ҚИЁСЛАШИДАН ЎТКАЗИШ УЧУН ШАРТНОМА-ЖАДВАЛЛАРНИ ТУЗАДИ.

ШАРТНОМА-ЖАДВАЛЛАРНИ ТУЗИШ МУДДАТИ — 2007 ЙИЛ 1 ФЕВРАЛГАЧА.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 150-26-03, 150-26-02, ФАКС: 150-26-15.
E-mail: metrolog@sarkor.uz

«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ
МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ МАРКАЗИ

ЎЗ МИЖОЗЛАРИГА ШУНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ, АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ 2006 ЙИЛ 31 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН, ТЎЛОВ МАЖБУРИЯТЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛМАГАН ВА МИЖОЗЛАР АЙБИ БИЛАН БАЖАРИЛМАГАН ШАРТНОМАЛАР БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Бекор қилинган шартномалар бўйича барча шикоятлар 2006 йил 31 декабргача қабул қилинади.

Мижозлар айби билан бажарилмаган шартномалар бўйича МХКМ кредитор қарзлари 2007 йилнинг биринчи чораги давомида қайтарилади.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 150-26-03, 150-26-02, ФАКС: 150-26-15.
E-mail: metrolog@sarkor.uz

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Тошкент вилояти молия бошқармаси 2006 йил 15 ноябрда ТВ-3-2006/1-сонли реестрни тасдиқлади.

Монопол бирлашма (корхона) номи	Маҳсулот ва хизматлар номи ва қисқа тавсифи	Модел тури, маркаси, артикули ёки сони	Ўлчов бирлиги	Янги чекланган эркин нархи (амалдаги нархни кўпайиш коэффициенти)
«O'zbekko'mir» OAJ	Субабонент корхоналарга электр энергиясини узатиб бериш	Электрэнергия	1 кВт/соат	6 сўм 2 тийин ҚҚС билан

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

2006 йил учун докторантура ва аспирантурага қуйидаги мутахассисликлар бўйича ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ДОКТОРАНТУРАГА

05.20.01 — Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаш — 1 ўрин.
05.20.02 — Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини электрлаштириш — 1 ўрин.

АСПИРАНТУРАГА

05.01.01 — Амалий геометрия ва муҳандислик графикаси — 1 ўрин.
05.20.01 — Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаш — 1 ўрин.
05.20.02 — Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини электрлаштириш — 1 ўрин.
05.20.03 — Қишлоқ хўжалиги техникасини ишлатиш, қайта тиклаш ва таъмирлаш — 1 ўрин.
05.23.07 — Гидротехника ва мелиорация қурилиши — 1 ўрин.
05.23.16 — Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси — 1 ўрин.
06.01.02 — Мелиорация ва суғорма деҳқончилик — 2 ўрин.
08.00.04 — Микроиқтисод — 2 ўрин.
13.00.08 — Ҳунар таълими назарияси ва услубияти — 1 ўрин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, ГСП, Кори-Ниёзий кўчаси, 39-уй, ТИМИ илмий ва амалий тадқиқотлар маркази, аспирантура ва докторантура бўлими. Телефонлар: 137-09-46, 137-19-61.





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ

барча маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчиларни 2006 йил 19 декабрь куни соат 10.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилда ташкил этиладиган ва ўтказиладиган

МОДДИЙ-ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА

иштирок этишга таклиф этади:

Тошкент ш., Амир Темур к., 13-уй, Марказий офицерлар саройи.

Ҳар бир иштирокчига (ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи) кўргазма залида таклиф этиладиган товарларни намойиш этиш учун жой ажратилади.
Кўргазма материаллари (маҳсулотлар намуналари, фотосуратлар, буклетлар ва бошқа тақдимот материаллари) 15 декабрь куни соат 18.00 гача тайёрланиши ва жойлаштирилиши лозим.

КЎРГАЗМА МАВЗУСИ:

- бош кийимлар;
- тикув буюмлари;
- тикув-трикотаж буюмлари;
- пойабзаллар;
- кир ювиш воситалари;
- ошхона идиш-товоқлари, умумий овқатланиш учун технологик ускуналар;
- озиқ-овқат маҳсулотлари (нон ва нон маҳсулотлари, ёрмалар, гўшт ва сут маҳсулотлари, консерваланган маҳсулотлар, балиқ маҳсулотлари);
- алоқа ва телекоммуникация воситалари, энергиянинг муқобил манбалари, алоқа воситаларини электр билан таъминлаш тизимлари;
- ахборотлаштириш воситалари (компьютер ва периферия ускуналари, оргтехника);
- қозонхона ускуналари, насослар;
- совутгичлар;
- кабель маҳсулотлари;
- лак-бўёқ маҳсулотлари;
- автомобиль техникаси (шу жумладан, шиналар, АКБ);
- дори препаратлари, дезинфекция қилиш воситалари, тиббий ускуналар ва асбоблар, даволаш-профилактика вакциналари ва зардоблари, лаборатория реактивлари ва тест-системалари;
- ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун мўлжалланган маҳсулотлар;
- топогеодезия ва навигация асбоблари;
- қўриқлаш техникаси воситалари.

Маълумот учун телефонлар: Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги — 8 10 998 (371) 169-86-03, 169-88-54. Ўзбекистон Республикаси Куролли кучлари Марказий офицерлар саройи — 8 10 998 (371) 133-04-33, 133-92-48.

Гурурим, номусим, орим – Армиям!

Ишхонада ўтирсам, телефон жиринглади. Гўшакни кўтарсам, тоғамнинг ўғли саломаликдан ҳам олдин гап бошлади:
— Ака, мен ҳарбий хизматга келдим. Бахтни қарангки, хизматни Тошкентда ўтайдиган бўлдим. Илтимос, ота-онамга хабар қилинг, қасамёд қабул қиладиган кунимизга етиб келишса, яхши бўларди.

Мардлар қўриқлайди Ватанни!

Унинг илтимосини бажардим. Ниҳоят, белгиланган куни ҳарбий қисмга бордик. У ерда янги аскарларнинг гулдаста кўтариб турган ота-оналари, қариндош-уруғлари тўпланган. Ҳамма бир-биридан суриштираяпти: "Сиз қаердансиз?", "Ўғлингиз нечанчи йилда туғилган?", "Буниси нечанчи фарзандингиз?" ва ҳоказо. Табиийки, қариндошимизнинг ҳам боши осмонда эди. Чунки унинг айтишича, ўғли барча синов ва текширувлардан мустақил ўтган экан. Аскарнинг отаси, шунингдек, ўғлининг спорт билан мунтазам шуғуллангани ва мактабда "беш"га ўқиганлиги шундай пайтда иш берганини ҳам қистириб ўтди.

Ота-оналарни ҳарбий қисм ҳовлисига таклиф этишганда, қизиқ ҳолат рўй берди. Боягина ўғли билан дийдорлашиб ўтирганлар сафда турган фарзандларини дастлаб таний олишмади. Негаки, улар бургутникидек мағрур нигоҳ ва ўзларига ярашган ҳарбий кийимда ростдан ҳам бошқача кўринар эдилар. Аёллардан бири: "Булар олдинги аскарлар бўлса керак", дея иштибоҳ билдирса, бошқа бири: "Худо хоҳласа, бизнинг фарзандларимиз ҳам ҳадемай шулардек бўлишади" дейди. Ҳолбуки, бу йигитлар қасамёд қабул қилиш учун шайланган янги аскарлар эди. Ҳарбий қисм командирлари ва зобитлари, ота-оналар гувоҳлигида қасамёд қабул қилинаётганда эса, бояги "нотанишлик" ўрнини: "Ё тавба, ўз фарзандимизни танимабмиза?!," "Вой ўғлимнинг кўркамлигини қаранг!" деган сўзлар эгаллади.

Дарҳақиқат, бу йигитлар яқиндагина ота-оналари бағрида эдилар. Энди эса улар қисқа вақт ичида ҳарбий интизомни, чиниқишни, вақтида ётиб-туришни, энг муҳими, Ватанга муносиб хизмат қилишни зиммаларига олаяптилар. Бундай шараф эса ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Зеро, Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов ташаббуси ва таклифи билан ҳарбий хизматнинг тамоман янгиланиши туфайли фидойи ва соғлом йигитларгина армияга олинади. Уларнинг тиббий кўрикдан ўтказилиб, тест топширишлари эса Қуролли кучларимиз сафида ҳар томонлама соғлом аскарларимиз бўлишига катта замин яратмоқда.

— Мен Эстонияда хизмат қилганман, — дейди ҳарбийлар ҳузурида оталар номидан сўзга чиққан Саидахмад ака Мустафоқулов. — Икки йил яқинларимиздан йироқда юрганмиз. Ҳозир сизларга қараб туриб, беихтиёр ўша йилларни эсладиму ер билан осмонча фарқни кўрдим. Тафовут шундаки, биз чет ўлкаларда юрган бўлсак, сиз — ўз ватанингизда хизмат қилаяпсиз. Биз қурол-яроғ ишлатишни, оғир пайтда мудофаага тайёр туришни икки йилда ўзлаштирган бўлсак, сизлар бир йилда бу ишнинг уддасидан чиқасиз. Бизга ҳеч қанақа имтиёз йўқ эди, сизда эса бор. Яъни, яхши хизмат қилиб, тавсиянома билан қайтганлар ўқишга кирмоқчи бўлса, қўшимча балл берилиши ҳукуматимиз ҳужжатлари билан кафолатланган. Демак, бундай эътибор ва ғамхўрликка муносиб бўлиш ор-номусли кишининг энг муҳим вазифасига айланиши керак!

Саидахмад аканинг бу сўзлари гулдурос қарсаклар билан ниҳоясига етди. Юракдан чиққан самимий изҳор аскарлар дилини забт этган эди.

Қасамёд маросимидан сўнг йиғилганлар аскарларнинг овқатланиш хонаси, ётоқхона, спорт зали билан таништирилди. Иссиқ ва шинам хоналарни кўриб, оналарнинг кўнгли жойига тушган бўлса, спорт жиҳозларига қараб туриб, оталарнинг ҳаваси келди: "Қанийди, қайтадан ёш йигит бўлсагу, шундай жойда хизмат қилсак!"

Ҳарбий хизматни бошлаганига олти ой тўлганлар билан янги аскарларнинг волейбол мусобақаси эса, айниқса, эсда қоларли бўлди. Аста-секин ташаббусни қўлга олган янги аскарлар ўз акаларидан ўзиб кетаверишгач, атрофдагилар катта аскарларга йўл-йўриқ кўрсатишни бошлашди: "Биринчисини яхши олинглар", "Уч билан ўйнанглар", "Жой алмашишни унутманглар". Онасига қўшилиб, аскар отасини кўргани келган тўрт яшар Улуғбек исмли болакайнинг гапи эса ҳамманикидан ўтиб тушди: "Тўппи яхшийаб уйинг, дада!"

Жажжи фарзанднинг гапи ота қатори унинг сафдошларига ҳам қаттиқ таъсир қилди шекилли, кейинги "бўлим"да уларнинг қўллари баланд келди.

Хуллас, ўша куни кўтаринки кайфият ҳукмрон бўлди. Ота-оналар аскар ўғилларининг дийдорига тўйишди, уларга омад ва муваффақият тилашди. Ва хайрлашув чоғида дуога қўл кўтарилди: "Қасамёдларингга содиқ қолиб, халққа, Ватанга, Президентга астойдил хизмат қилинглар!"

Бу истакка биз ҳам қўшилдик.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Спорт

Марафончилар Термизда

Ҳар йили юртимиздаги йирик байрамлар арафасида турли спорт тадбирлари уюштириб туриш анъанага айланган.

Яқинда старт олган умуммамлакат оммавий югуриш марафони ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланди. Ушбу анъанавий марафон аҳолининг кенг қатламини, айниқса, ўқувчи-ёшларни оммавий спорт машғулотларига жалб қилишни таъминлаш, енгил атлетикани ривожлантириш ҳамда халқаро спорт майдонларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган маҳоратли спортчиларни тайёрлаш мақсадида ўтказилмоқда. Бу сафар марафон икки йўналишда (Наманган — Андижон — Фарғона — Ангрен — Гулистон — Жиззах — Самарқанд — Навоий — Бухоро — Хива), (Термиз — Шаҳрисабз — Самарқанд — Навоий — Бухоро — Хива) давом этмоқда.

Биринчи йўналишга 26 ноябрь куни Намангандан старт берилганди. Ушбу йўналиш иштирокчилари водий вилоятлари ва Тошкентни ортда қолдириб, кеча Гулистонга етиб келишди. Куни кеча Термизда марафоннинг иккинчи йўналиши ҳам йўлга чиқди.

— Асосийси жойларда спортчилар билан биргаликда минглаб ҳаваскор югурувчилар ҳам фаол қатнашмоқда,— дейди Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг оммавий спорт тадбирларини ўтказишни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи Равшан Насимов. — Қолаверса, марафончилар юртимизнинг тарихий қадамжоларини зиёрат қилмоқдалар. Ҳар бир аҳоли пунктида ёшлар билан уюштирилаётган учрашувлар мароқли кечмоқда. Марафончилар минглаб спорт мухлисларига оммавий югуриш мусобақасидан кўзланган муддао, юртдошларимизнинг муносабатлари, босиб ўтилган манзиллар, шаҳар ва қишлоқларимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида сўзлаб бермоқдалар. Марра ғолиблари рағбатлантирилиб борилмоқда.

Шероободлик Шоймардон ота Саматов бу йил 68 ёшни қаршилади. Отахон бир умр далада меҳнат қилди, агроном бўлди. Ҳозир ҳам ёшлардай чаққон.

— Тўйларда кураш тушиб катта бўлганман, — дейди Шоймардон ота. Спорт билан шуғулланишни канда қилганим йўқ. Термиздан марафонга старт бериларкан, деган гапни эшитиб атайлаб келдим. Болаларга спорт билан шуғулланиш инсон саломатлигига қандай фойда беришини бир кўрсатиб қўяй дедим-да.

Умуммамлакат оммавий югуриш марафони 7 декабрь куни Хивада якунланади. Марафон иштирокчилари марра томон дадил интилмоқдалар.

З. ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ойнинг энг яхши мақоласи

Анъанага биноан, ***ноябрь*** *ойи якунига кўра Ўзбекистон халқ шоири* ***Маҳмуд Тоировнинг***

«Оқ халатнинг оппоқ нури»

мақоласи «Халқ сўзи» газетаси таҳририятининг эсдалик совғаси билан тақдирланади. Муаллифимизни бу муваффақият билан табриклаймиз, ижодий ишларида янги зафарлар тилаймиз.

ДСҚ матбуот хизмати хабарлари

Ўзи ҳам, моли ҳам ҳужжатсиз

Бозорхонани четлаб мамлакатимизга кириб келган товар-моддий бойликлар ноқонуний ҳисобланади ва амалдаги қонунқоидаларга мувофиқ, мусодара этилади. Шу оддий ҳақиқатни ҳар бир тадбиркор билиши ва унга амал қилиши керак. Акс ҳолда, Д. Қодировага ўхшаб кўз ёши тўкиб юради.

Пойтахтдаги «Чилонзор буюм бозори»да ўтказилган қисқа муддатли текширувда бу тадбиркор опамиз олдинига савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатномасиз фаолият юритаётгани ошкор этилди. Кейин суриштириб кўрилганда, савдога қўйилган 69 дона 2415 минг сўмлик аёллар кийим-кечаклари ҳам ҳужжатсиз эканлиги маълум бўлди. Оқибатда савдо тўхатилди.

Шундай кўйга фуқаро Ш. Асанов ҳам тушди. У савдо қилиш ҳуқуқига эга бўлмаса-да, 2227 минг сўмлик ҳужжатсиз кийим-кечакларни юрак ютиб савдога чиқарган экан. Ҳаммаси вақтинча олиб қўйилди ва суриштирув ишлари бошланди.

Текширув ўтказилган куни шунга ўхшаш яна ўндан ортиқ ҳолатлар аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди.

Ўхшаш нусхалар

Бўстон шаҳридаги Ю. Қурбонов кўчасида истиқомат қилувчи Улуғбек Юсуповнинг хонадонида ташкил этилган хуфия арақ цехи Қорақалпоғистон Республикасида йил бошидан бери фош қилинган яширин цехларнинг ўнинчиси бўлди.

Бу цехдан сотишга тахт қилиб қўйилган 70 шиша қўлбола арақ, 360 литр спирт, «Қоратау» арағининг 1300 та ёрлиғи, 4617 та қопқоқ, 136 та қалбаки акциз маркаси ва бошқа мосламалар олинди.

Дастлабки суриштирувда яширин цехларга қалбаки акциз маркаси, ёрлиқ ва қопқоқларни нуқуслик Марат Саймашов етказиб бераётганлиги маълум бўлди.

Маратнинг уйида замонавий ускуналар билан жиҳозланган мўъжазгина цех ишлаб турарди. Сканер ва рангли принтерлар акциз маркаси ва ёрлиқлар чиқариш билан банд эди.

Шу куни цехдан 75238 та қалбаки акциз маркаси, «Қоратау» арағининг 5887 та ёрлиғи, 21775 дона қопқоқ ва бошқа хил жиҳозлар ашёвий далил сифатида олинди.

Республика солиқ хизмати ходимлари йил бошидан бери ўтказилган рейд ва текширувлар давомида 3144 литр спирт ва 12628 литр ноқонуний спиртли ичимликларни сотувдан тўхтатиб қолдилар.

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

2006 ЙИЛ АСПИРАНТУРАДА КУНДУЗГИ БЎЛИМДА ЎҚИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

01.01.04 — Деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси
01.02.06 — Машиналар, приборлар ва ускуналар динамикаси мустаҳкамлиги
03.00.16 — Экология (тармоқлар бўйича)
05.02.01 — Машинасозликда материалшунослик (тармоқлар бўйича)
05.03.06 — Пайвандлаш технологияси ва машиналар
05.01.05 — Локомотивлар (электровозлар, тепловозлар) ва вагонлар
05.13.05 — Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари ва қурилмалари
05.22.07 — Темир йўлларнинг ҳаракатдаги таркиблари ва поездларни юргизиш
05.22.08 — Темир йўл транспортини ишлатиш (жумладан, сигнал, марказлаштириш ва муҳофаза тизимлари)
05.23.04 — Сув таъминоти, канализация, сув ҳавзаларини муҳофазалаш ресурслари
05.23.05 — Қурилиш материаллари ва буюмлари
05.23.13 — Темир йўл қурилиши
05.23.15 — Кўприклар ва транспорт тоннеллари.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: 700167, Тошкент ш., Одилхўжаев к., 1-уй, ТошТЙМИ, 333-хона, илмий ва илмий-педагог ходимларни тайёрлаш бўлими.
Телефонлар: 199-05-25, 199-05-65.

«Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ахборотномаси»га 2007 йил учун

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Ахборотнома саҳифаларида йил давомида:

- *хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлар фаолияти ҳамда хўжалик ишларини судларда кўриш билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатлари;*
- *Олий хўжалик суди пленуми ва раёсати қарорлари, кассация инстанцияси қарорларидан кўчирмалар;*
- *хўжалик судлари суд амалиёти тафсилотлари;*
- *чет эл арбитраж ва иқтисодий судлари тажрибаси;*
- *қонунчиликни амалиётда қўллашга оид ҳуқуқшунос олимлар ва судьяларнинг чиқишлари.*

Обуна «Матбуот тарқатувчи» АКнинг барча бўлимларида 908 ва 909 индекслари орқали амалга оширилади. Шунингдек, таҳририят билан тўғридан-тўғри шартнома орқали обуна бўлишингиз мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 367-91-66, 367-96-60.

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42.
E-mail: info@auto.uz
web-site: www.auto.uz

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жамоаси Андижон вилояти ҳокимияти молия бошқармаси бошлиғи Н.Собировга отаси

Мадаминжон ЖУМАБОЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент Давлат юридик институти жамоаси Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси профессори

Фозил Мақсудович ОТАХЎЖАЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент архитектура-қурилиш институти жамоаси ўқув ишлари бўйича проректор Ҳуснидин Акрамовга акаси институт Йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш кафедраси доценти

Бовре АКРАМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент темир йўл муҳандислари институти жамоаси Қурилиш конструкциялари, кўприклар ва иншоотлар кафедраси доценти Чориқул Рауповга отаси

СОЛИҲ бобонинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Молия институти жамоаси Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси катта ўқитувчиси Мансуржон Маҳкамовга акаси

Маъмуржон МАҲКАМОВнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекгидроэнергоқурилиш» ОАЖ жамоаси Ўзбекистон энергетикаси фахрийси

Султонмурод Ҳожимуротович УМАРХЎЖАЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳокимияти жамоаси туман Коммунал таъмирлаш, аварияни тиклаш хизмати директори Тошмурод Исмоиловга падари бузруквори

Исмат ИСМОИЛОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1457. 20731 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — М. Жонихонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.30 Топширилди — 23.20 2 3 4 5 6